

М.О. Мусаева, З.И. Аташикова, Н.О. Шамадиева

# Адабий үқиши

Умумтаълим мактабларининг  
2-синфи учун дарслик

Қозогистон Республикаси  
Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган

Алматы  
«Жазушы»  
2022

УДК 373.167.1  
ББК 83.3 (5Узб) я72  
М 79

## Шартли белгилар

Сўзлаймиз



Ўйланамиз, изланамиз



Тинглаймиз



Ўқиймиз



Ёзамиз



Гурухда ишлаймиз



Халқ оғзаки ижоди



Тез айтиш



Мусаева М.О. ва б.

М 79 Адабий ўқиши. Умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик /Мусаева М.О., Аташикова З.И., Шамадиева Н.О. – Алматы: Жазушы, 2022. – 160 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-788-6

УДК 373.167.1

ББК 83.3 (5Узб) я72

ISBN 978-601-200-788-6

© Мусаева М.О., Аташикова З.И.,  
Шамадиева Н.О., 2017, 2022

© «Жазушы» баспасы, 2017, 2022

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.

Нашрнинг мулкий ҳуқуқлари

«Жазушы» нашриётига тегишли.

# Үзим ҳақимда





Шеърни ўқинг.

## Мактаб

Бу қандай азиз даргох,  
Муқаддас бизга ҳар чоғ.  
Билим деб бошлар йўлга,  
Бизларни таниш йўлка.

Қиласан ҳисоб-китоб,  
Берасан савол-жавоб.  
Қўлингда дафтар-қалам,  
Унда қувончли олам!

Уни сўзлаймиз мақтаб,  
Уни айтамиз «Мактаб!»,  
Унда ҳар куни қувнок,  
Жаранглайди қўнфироқ.

*П.Мўмин*





2

Ёзги дам олиш ҳақида сўзлаб беринг.



3

Савол биздан, жавоб сиздан!

- Шеър мазмунни бўйича дўстингиз билан савол-жавоб ўтказинг.



4

Мақолни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Билган ўқир,  
Билмаган тўқир.

турфа  
идроқ  
жаҳон

- ✓ Ўз фикримизни таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда етказишни;
- ✓ Шеър мазмунни асосида саволларга жавоб беришни;
- ✓ янги сўзларнинг маъносини билиб олдик.



2

## ОДОБ БИЛАН ЎРТОҚМАН



1

Ўқиймиз.

### Салом

Салом билан бошланар  
Билсанг одоб ва ахлоқ.  
Салом билан бегона  
Бўлар тезда дўст-иноқ.  
Салом чиққан оғиздан  
Чиқмас сира ёмон сўз.  
Салом, ассалом минг-минг  
Сўзлар ичра дурдона.  
Салом ҳар боланинг  
Одобидан нишона.

*Толиб Йўлдош*



2

Мақолни ўқиб мазмунини тушуниринг.

Илмнинг каттаси – одоб.

?!  
?

3

“Сехрли” сўзларни ўқинг ва маъносини ту-  
шуниринг.

Ассалому алайкум. Марҳамат. Илтимос.  
Кечирасиз. Раҳмат.  
Яна қандай “сехрли” сўзларни биласиз?

6





4

Тинглаймиз.


## Одоб

Бир киши Луқмони Ҳакимдан: “Одобни кимдан ўргандингиз?” – деб сўради.

“Одобни одобсиздан ўргандим”, – деб жавоб берди Луқмони Ҳаким. “Одобни одобсиздан қандай ўргандингиз?” – деб сўради у киши.

Луқмони Ҳаким жавоб берди: “Доим одамларнинг қилган ишларига, сўзлаган сўзларига дикқат билан қараб юрдим.

Кимдан бир ёмон сўз эшитсан, шу сўзни ҳеч бир сўзламадим. Кимда ким бир ёмон иш қилса, шу ишни ҳеч бир қилмадим”.



5

Одоб ҳақидаги мақоллардан ёзинг.

дурдона  
нишона  
ёмон сўз

- ✓ Сўзлаш давомида мақоллардан фойдаланишни;
- ✓ тингланган асаддаги зарур ахборотни топиб белгилашни;
- ✓ ривоят ҳақида билиб олдик.



# 3

# ОДОБИМ – ЗИЙНАТИМ



1

Матнни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

## Толиб отган тош

Толиб қўшни томига қўнган каптарни ҳайдайман деб тош отди.

Каптар учиб кетди-ю, тош келиб том шиферига тушди, шифер “чарс” этиб синди. Толиб эса эгаси чиқиб қолмасин деб, тирақайлаб уйга қочди.

Уй эгаси ишда бўлганлиги учун бундан бехабар қолди.

Шу куни кечаси билан ёмғир ёғиб, эрталаб қорга айланди, бирдан чакиллаб уйдан чакка ўта бошлади. Уй эгасининг боши қотиб, томни тузатгани чиққан эди, сирганиб томдан йиқилиб тушди.

Шу билан оёғи синиб, йигирма кун касалхонада ётиб чиқди. Хайрият, бундайроқ йиқилган экан, бўлмаса ундан ёмонроқ бўлиши ҳам мумкин эди.

Хўш, Толиб отган тоши бироннинг оёғини синдиради, деб ўйлаганмиди?

*Абдусадик Ирисов*



2

Мақолни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.


Одобли ўғил – кўқдаги юлдуз  
Одобли қиз – ёқадаги қундуз.





## Расмни кузатинг.


Одобли ва одобсиз болаларни таърифланг.



1. Синфингиздаги қайси ўқувчиларни одобли деб ўйлайсиз? Исмларини ёзинг.
2. Одобли ва одобсиз болаларнинг хислатларини Венн диаграммаси орқали тушунтириб беринг.
3. Сиз катталарга қандай ёрдам бера оласиз?



Ибирај Алтинсарин Қозоғистоннинг ҳозирги Қўстаний вилоятида туғилган. У қозоқ халқининг биринчи педагоги, шоири, ёзувчиси. И.Алтинсарин қозоқ болаларига аталган илк мактабни очган.



### Ота билан бола

Бир одам ўн яшар боласини эргаштириб дала-дан пиёда қайтиб келар эди. Йўлда ётган бир эски тақанинг синифини кўриб, отаси боласига:

– Болам, анави тақани олиб юр, – деди.

Шунда боласи отасига:

– Синиб қолган эски тақани нима қиласиз, – дебди. Отаси ҳеч нима айтмай, тақани олибди-да, юравериби.

Отаси тақани шаҳарнинг четидаги темирчи устага уч тийинга сотибди ва пулига жийда сотиб олиб, рўмолига тугиб, ўзи четидан битталаб олиб еб, ўғлига қарамасдан юришни давом эттирибди. Бир оз юрганидан кейин отасининг қўлидан бир жийда ерга тушиб кетибди. Отасининг орқасидан жийдага қизиқиб келаётган бола жийдани дарров



олиб оғзига солибди. Бир оз юргандан кейин отаси яна бир жийдани ташлабди, бола яна олиб ебди.

Шунда отаси боласинин түхтатиб туриб бундай дебди:

– Кўрдингми, болам, боя тақани эски деб, ердан бир марта энгашиб олишга эринган эдинг, энди шу эски тақанинг пулига олган жийдани ерга тушганини тераман деб, бир энгашишнинг ўрнига уч энгашдинг. Бундан кейин эсингда бўлсин, оз ишдан қийналсанг, кўп ишга дуч келасан, озга қаноат қилмасанг, кўпдан қуруқ қоласан, – дебди.



2

### Сұхбатлашамиз.

1. Йўлда кимлар келаётган эди?
2. Улар нимани топиб олишди?
3. Тақанинг пулига отаси нима сотиб олибди?
4. Отаси боласига қандай насиҳат қилди?



3

### Шеърни ёдлаб олайлик.

Гўзал одоб, аъло хулқ,  
Ўрнашса юрагингга.  
Сени мангу тарқ этмай,  
Етказар тилагингга.

*Қамбар Ота*

ўқсиб  
тасалли  
хузурига  
зах

- ✓ Ибрай Алтинсарин ҳақида;
- ✓ асар мавзуси ва парчасига таяниб, воқеа хотимасини тахминлашни билиб олдик.



## 5

## ҒАМХҮРЛИК ҚИЛИШНИ БИЛАМАН



1

Ғамхүрлик деганда нимани тушунасиз?



2

Уй ҳайвонларига қандай ғамхүрлик қиласиз?



3

Ҳикояни тингланг. Мазмунини сўзланг.

### Энди қувмайди

Гулнораларнинг товуғи жўжа очган эди. Улар аввалига дўмбоққина, сап-сариқ бўлишиди. Кейин аста-секин қанот чиқариб, яна ҳам ёқимтой бўлиб қолишиди. Шунда Гулнора улардан энг чиройлисини тутиб олмоқчи бўлган эди, она товуқ қанотларини ҳурпайтириб, “қурт-қурт, қурт-қурт”, деганича Гулнорага қараб югурди. У қочди. Шу-шу товуқларни ёмон кўриб қолди. Баъзан қўлига таёқ олиб товуқларни қувадиган одат ҳам чиқарди.



Бир куни кечки овқат пайтида Гулнора лағмон солинган косани итариб қўйиб:

- Ойижон, тухум пишириб беринг, – деди.
- Тухум йўқ, болам, – деди онаси.
- Товуқ тухум бермадими?
- Бермади, қизим. “Гулнора менга дон солиш ўрнига таёқ билан қувлайверади, тухум бермайман”, – деди.

Гулнора чурқ этмади. Ҳовлида юрган товуқقا кўз ташлади-да, косани олдига суриб, лағмонни еб олди.

Кечқурун Гулнора ўрнига ётди-ю, узоқ вакт ухлай олмади.

– Нега ухламаяпсан? – деб сўради ундан хабар олгани хонага кирган онаси.

– Ёстиқ қаттиқ экан, ботяпти, – деди Гулнора баҳона қилиб.

Онаси пар ёстиқ келтирди.

Гулнора бошини кўйса, бирам юмшоқ, бирам юмшоқ.

- Ойижон, бу ёстиқ нега юмшоқ?
- Пардан қилинган, қизим.
- Пар қаердан олинади?
- Гулноранинг боши юмшоққина ёстикда ётсин, деб товуқлар битта-битталаб тўплашган, – деди онаси.

– Ҳа ...

Гулнора бошқа савол бермади. Кўзини чирт юмиб ухлаб қолди.

Гулнора тушида товуқлару жўжаларга дон сепиб, атрофида парвона бўлди.

*Махмуд Муродов*

1. Матнни ролларга бўлиб ўқинг.
2. Матн асосида расм чизинг ва расмлар кўргазмасини ташкил қилинг.



# 6

## МЕН ЯЛҚОВ БОЛА ЭМАСМАН



1

Келинг, сўзлашайлик!

- Ялқовлик яхши одатми?
- Сиз ҳам ялқовлик қилғанмисиз?



2

Ўқинг.

### У нима деркин?

“Акажон, келдим, туриңг,  
Мени тез ечинтириңг  
Қорним оч, овқат беринг!  
Нон-чойга йўқдир тоқат,  
Ая, тайёрми овқат?  
Менга шўрва бўлмайди,  
Унга кўнгил тўлмайди.  
Мен бир ўйнаб келгунча  
Қилинг манти ё палов  
“Ие, емайман палов,  
Норин тайёрланг дарров!”  
Мана, шунаقا Эркин...  
Сўранг, у нима еркин?  
Бу қилиғинг чатоқ-ку,  
Десак, у нима деркин?

Ўткир Рашид



3

Фикр юритайлик!

1. Катталар меҳнатсеварлик ҳақида сизга нима дейишиади?






4

Расмдаги болаларнинг кайфиятига қараб улар ҳақида нима дейиш мумкин?

Ялқов ва меҳнатсевар болаларнинг фарқини айтинг.



5

Ёзамиз.

Жадвалда берилган сўзларни ўқинг ва уларни қатнаштириб гаплар тузиб ёзинг. Изоҳланг.

Сўз	Гап
Ялқов	
Дангаса	
Ишёқмас	

тоқат  
ялқов  
меҳнатсевар



Рефлексия: «Олма дарахти»

Тушунарли бўлди

Саволим бор

Тушунарсиз



Шеърни ўқинг.

## Одам бўласан

Кезаман кўп жойларни  
Мой томчиган кийимда.  
Баъзан китоб титкилаб  
Дам оламан уйимда.  
Мен шофёр бўламан, дада!  
– Майли...  
Халинчакда акамдан  
Анча баланд учаман  
Катта бўлсам, яхиси,  
Бориб ойни қучаман  
Мен фазогир бўламан, дада...  
– Иҳтиёринг...  
Чалғитаман майдонда  
Болаларнинг кўпини.  
Кеча битта тепишда,  
Тешдим Норнинг тўпини  
Мен футболчи бўламан, дада!  
– Ўҳ-ҳў, ўҳў-ўҳў...

Кесволди бармогин  
Ўтган куни Миръазам  
Қотиб қолди яраси  
Жиндеккина туз сепсам  
Мен дўхтир бўламан, дада!  
Ёмонмас...



Тағин ўйлаб кўраман,  
 Ҳаммаси ҳам яхши иш  
 Фақат ялқов бўлмайман,  
 Ҳечам тортманг сиз ташвиш,  
 Ман ... одам бўламан, дада!  
 – Балли, азамат!

*Анвар Обиджон*



2

### Ўйлаб жавоб беринг.

- Шеър қаҳрамони қандай касблар ҳақида айтди?
- Сиз ким бўлмоқчисиз?
- Энг яхши касб қайси бири деб ўйлайсиз?



ҳалинчак  
фазогир  
азамат

✓ касблар ҳақида фикр билдиришни;  
 ✓ шеърни ифодали ўқишни ўргандик.



# 8

## ВАҚТДАН ТҮҒРИ ФОЙДАЛАНАМАН



1

Фикр юритаман!

1. Бўш вақтингизда нима билан машғул бўласиз?
2. “Вақтинг кетди – баҳтинг кетди” мақолининг мазмунини қандай тушунасиз?



2

Эртакни ифодали ўқинг.


### Аразлаган копток, китоб ва қалам

(эртак)

Бор экан-да йўқ экан, Санжар исмли дангаса бола бўлган экан. Унинг хонасидаги жавонда эртак китоб, футбол майдонини кўрмайдиган копток, “Менда ҳеч расм чизмайди”, деб ранжийдиган қалам яшар экан. Санжар мактабдан зўрға судралиб қайтиб келиб, сумкасини бир бурчакка отибди. Ечиниб, ухлаб қолибди. Буни қўриб турган жавондаги китоб сумка ичидағи дарсликларнинг аҳволига ачиниб:

- Бечораларнинг қовурғалари синиб кетгандир,
- дебди.

Қалам ва коптокнинг ҳам сабри тугабди. Улар биргаликда Санжардан яхшироқ бола топишмоқчи бўлишибди.



Қалам барча рангли дўстларини тўплаб, Бобурнинг олдига кетиб қолибди. Эртак китоб жавондан тушиб, барча китобларни ёнига чақирибди. Сумка ичидағи дарсликларни ҳам олибди. Улар Маликанинг уйига кетишибди. Унинг қўлидан китоб тушмас экан.

Копток Санжарнинг партадоши Беҳрузнинг олдига борибди. У уй вазифаларини қилгач, футбол майдонидан чиқмас экан.

*Муаззам Иброҳимова*



3

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Жавондаги китоб, копток, қаламларнинг бошқа болаларнинг ёнига кетиш сабабларини сўзланг.
2. Эртакни ролларга бўлиб ўқинг.
3. Эртак асосида расм чизинг.



4

Хикматли сўзларни ўқиб, мазмунини тушунтириng.

Билим ва ҳунар ол, қадрла уни,  
Билим-ла ҳунар ҳам қадрлар сени.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

гайриоддий  
қобилиятли

Рефлексия: «Тилаклар қатори»



- ✓ фаол қатнашдинг;
- ✓ ёрдам бердинг;
- ✓ жавоб бердинг
- ✓ тўлдирдинг;
- ✓ фикр билдиридинг.



9

# МЕН КАТТАЛАРГА ЁРДАМЧИ



1

Фикр юритайлик.

1. Катталарга ёрдам бериш деганда нимани тушунасиз?
2. Сиз қандай уй ишларини бажара оласиз?



2

Үқиймиз!

## Мен ойимга ёрдамчи

Үтін ёриб тақиллатиб,  
Сув қайнатиб шақиллатиб,  
Совун суртиб, күпик бўртиб,  
Кир юваман, гард қуваман.



Оқ чойшабни текис ёйиб,  
Ёрдам берар укам Сойиб.  
Изиллатиб, жизиллатиб,  
Дазмоллайман, пардозлайман.  
Мен ойимга – ёрдамчи!  
Хар бир ишда чаққон, бардам,  
Иш қидирап күзим ҳар дам.  
Ойим мени олқишилайди,  
Бор меҳрини бағишилайди.  
Мен ойимга – ёрдамчи!

*Асом Зиёмат*



3

Тез айтишни ўқинг.

Тубсиз денгиз дедингизми?  
Денгиз тенгсиз дедингизми?



4

Тингланг ва ҳикоя қаҳрамонлари ҳақида фикр билдиринг.

## Копток

Одил күчадан ўтиб борарди. Йўлда жанжаллашиб турган икки болага дуч келиб қолди. Улар ярми қизил, ярми кўк рангли коптокни юлқилашиб икки томонга тортишарди.

Бу менинг коптогим. Мана, кўриб қўй.

Қизил томонга “Қо” деб ҳам ёзим қўйганман, тунов куни Аҳмад билан футбол ўйнаб турганимизда девордан ҳовлингга тушган эди, – деди биринчи бола.

– Ўша пайтда ҳовлига кириб қарадингми, ё қарамадингми?



- Карадим, тополмадим.
- Ёлғон, — деди иккинчи бола, кейин Одилга қараб, — катта копток тушармишу тополмасмиш, гапини қаранг. Бу — менинг коптогим. “Қо” ни ўзим ёзиб қўйганман, — деди.

Одил суриштирса, биринчи боланинг исми Қобил, иккинчисиники Қодир экан. Одил копток кимникилигини аниқлаш учун қанча уринмасин, билолмабди. Ҳар икки бола ҳам “копток меники” деб туриб олди. Шундан сўнг Одил нима қиласини билолмай ўйланиб қолди ва қўққисдан чўнтағидан қаламтарош олди-да:

— Коптокни иккаланг ҳам меники деяпсанлар. Ундей бўлса, пичоқ билан иккига бўлиб бераман, — дебди.

— Майли, бўлиб бераверинг, — деди Қодир бепарволик билан. Қобил эса Одилнинг қўлига ёпишиб олиб:

— Йўқ, бўлманг. Коптокни Қодир ола қолсин, бирга ўйнаб юрамиз, — деб ялинди.

Шундан сўнг Одил коптокни Қобилга узатди-да:

— Мана, ол, копток сеники экан, — деди. Қодир чурқ этолмай қолди.

*Махмуд Муродов*



Матн бўйича саволлар тузинг ва жавоб беринг.



Дўстларнинг исмларини ёзинг, уларни оғзаки таърифланг.

юмуш зувала

- ✓ уй ишларига ёрдам беришимиз  
ҳақида сўзлашни;
- ✓ шеърни ифодали ўқишни ўргандик.



# Менинг оилам ва дўйстларим





## Ўқиймиз.

Ҳикояни ўқинг. Ўз тушунчангизни жадвал асосида сўзлаб беринг.

## Чиройли салом

Нигина уйқудан кеч уйғонди. У турганда оила аъзолари нонушта қилиб бўлган эди. Хуршид бува неварасининг ювениб чиқишини кутди.

Нигина артина туриб бувасига деди:

- Буважон, сизга чиройли салом бермасам ҳам кўчага чиқиб кетаверасизми?
- Ҳа, – деди буваси. – Салом уйқудан барвақт туриб берилади. Қани, чиройли саломингни берчи.
- Ҳозир.

Нигина апил-тапил юз-қўлини артди. Қейин тошойна олдига бориб, намли, ҳурпайган сочини таради.

Сўнг буваси томон қайрилиб, ним таъзим қилди:

- Ассалому алайкум, буважон.
- Ваалайкум ассалом, – Хуршид бува унинг пешонасидан ўпди.

Бобо боғ томон йўл олди. Нигина чеҳраси очилиб, бувасини кузатди.

*Сафар Барноев*

Ҳикоя номи	Асосий қаҳрамонлар	Буваси нима қилди?	Нигина нима қилди?	Ҳикоя якуни





2

## Мақол мазмунини тушунтиринг.

Ота олдидан ўтма,  
Одоб олдидан кетма.



3

## Сұхбатлашайлык.

1. Оиланғиздаги эңг яқын одамлар ҳақида сўзлаб беринг.

2. Улар сизни қандай сўзлар билан эркалашади?

3. Оиланғиздаги катталар сизга қандай насиҳатлар қиласади?



**апил-тапил  
тошойна  
чехраси  
очилиб  
ним таъзим**

- ✓ Ўқитувчи ёрдамида асар мавзуси ва асосий гоясини аниқлашни;
- ✓ асар қаҳрамонининг ташқи кўринишни тасвирлаш, феъл-автори ва хатти-ҳаракатларини баҳолашни;
- ✓ жадвал билан ишлашни ўргандик.





1

## Келинг сұхбатлашамиз.

Берилған расмлар бүйіча үз фикр муроҳазала-  
рингизни айтинг.

«Оила» деган сўзнинг маъносини тушунтириб  
беринг.



2

## Үқинг.

## Иноқ оила

Уч ака-сингил аҳил  
Бувисига қарашар.  
Дарсларини тайёрлаб,  
Сўнг ҳовлида яйрашар.  
Ишхонадан қайтган чоғ,  
Ота ҳам, она ҳорғин  
Дейишади: «Ассалом»  
Бари очишиб бағрин.  
Дадасининг қўлидан  
Папкани олар Дилдор.  
Онасининг хизматига,  
Алишер тураг тайёр  
Обаста, совун, сочиқ,

Зумда олиб келади.  
Ота-онаси хурсанд,  
Меҳр тоблаб кулади.  
Ўлтиришар овқатга –  
Қошиғу, вилка тайёр.  
Иш бермас ҳеч кимсага,  
Болалар шундай дастёр.  
Овқатдан сўнг бошланар  
Сұхбатлар – ширин, қувноқ.  
Булар шундай оила –  
Доим меҳнаткаш инок!

*Гулчехра Жўраева*



- Шеър нима ҳақида?
- Ака-сингил ота-онасини қандай кутиб олишар экан?
- Сизнинг оиласизда қандай қувончли кунлар бўлган?



**3**

Ёзамиз.

### 1. Оиласиздаги яқинларингиз исмларини ёзинг.



**4**

Келинг сухбатлашамиз.

Расмларни кузатинг. Оиласада қандай байрам нишонланаётгани ҳақида сўзлаб беринг.



**ҳорғин  
дастёр  
иноқ**

**Рефлексия: «Тугалланмаган гап»**

- Бугун мен билдим ...
- Қизиқарли бўлди ...
- Қийин бўлди ...





## Меҳнат билан эл кўкарап

(Эртак)

Қадим замонларда тўртта ака-ука йигитлар бўлган экан. Уларнинг учтаси бир-биридан қолишмайдиган ялқов, хўжаликка уқувсиз, бебарака экан. Энг кичиги меҳнатсевар бўлиб, меҳнатдан эринмас экан. Шунинг учун одамлар уларнинг хулқига қараб, лақаб қўйиб олишибди. Ялқов ака-укаларнинг энг каттаси чалқанча ётиб олиб, осмонга тупуриб, молларини узокқа ҳайдаб юборибди. Шунинг учун одамлар уни “Томга тупураг”, – деб аташибди.

– Молларга қараб қўй, – деб ўтган-кетгандан сўраниб, ўзи доим уйдан чиқмайдиган ялқовга “Қараб қўй”, деб ном беришибди. Молини ўзи кўрмай “Ҳайдай қол”, деб дуч келган одамни ишга соловчи эринчоқ эса “Ҳайдай қол”, деб аталибди. Ака-укаларнинг кенжаси мол-жонини ўзи боқибди.

Бир вақт “Томга тупураг”нинг бирорта ҳам моли қолмабди. “Қараб қўй”нинг моллари қирилиб кетибди. “Ҳайдай қол”нинг моллари ҳам камайиб кетибди.

Ўзини-ўзи боқиб, тинмай меҳнат қилган йигитнинг моли қишдан омон чиқиб, элини очликдан қутқазибди. “Меҳнат билан эл кўкарап” деган мақол шундан келиб чиққан дейди одамлар.

Исфандиёр Кўбееев





2

## Сўзлашамиз.

1. Уч ака-ука нима учун лақаб олишиді?
2. Меҳнатсевар йигит эли учун қандай яхшилик қилди?
3. Эртакдаги ижобий ва салбий қаҳрамонларни айтинг.



3

## Фикр юритайлик.

Гуруҳда ролларга бўлиниб, эртак мазмуни асосида саҳна кўриниши тайёрланг.



4

## Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

- Одамнинг кўзгуси меҳнатдир.
- Бахт изласанг, меҳнат қил.
- Эрта турғанинг иши эрта битар.
- Ҳунарли киши хор бўлмас.



5

## Абу Райҳон Берунийнинг ҳикматли сўзларини ўқинг.

Ҳар бир кишининг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришидадир.

**хўжалик  
уқувсиз  
бебарақа  
кўзгу**

**Рефлексия: «Тугалланмаган гап»**

- Бугун мен билдим ...
- Қизиқарли бўлди ...
- Қийин бўлди ...





1

Тинглаймиз.

Бобомиз Алишер Навоий буюк шоир, олим ва давлат арбоби бўлган. Беш-олти ёшидаёқ кўп шеърларни ёд олган. Бобомиз бизга жуда кўп асарлар ёзиб қолдирган. Шунинг учун ҳам буюк шоиримизни “Сўз мулкининг султони” деймиз.

### Оқилона жавоб

(Ривоят)

Алишер Навоий подшо Ҳусайн Бойқаро саройида бош вазир экан. Подшо ҳамма вақт Навоийнинг маслаҳатларига қулоқ соларкан.

Кунлардан бир куни Ҳусайн Бойқаро эрталаб саройга кириш олдидан Навоийга кўриниш берибди-да, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Навоий ҳам худди ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди.

Ҳусайн Бойқаро бошини чайқабди-да, саройга кирмай, изига қайтибди.

Воқеани кузатиб турган Навоийнинг шогирдлари бу имо-ишораларнинг сабабини сўрашибди. Навоий бу жумбоқни ечишни уларнинг ўзларига ҳавола қилибди. Шогирдлар ўйлаб-ўйлаб топиша олмабди. Шогирдлардан бири Навоийни гапга солиш мақсадида сиёҳдонни ағдариб юборибди. Шунда Навоий:

- Абдуллатиф, хаёлингиз нега бунча паришон бўлиб қолди. Сиёҳдон ағдарилди-ку, – дебди.
- Қечиринг, устоз, – узр сўрабди Абдуллатиф, ҳалиги муаммонинг сабабини ўйлаб.



Навоий бояги имо-ишора маъносини айтишга мажбур бўлибди:

– Ҳусайн бошга балони нима келтиради, деб сўраб эди, – тил, деб жавоб қилдим.

Шогирлар Навоийнинг зийраклигига қойил қолишибди.



2

### Суҳбатлашамиз.

1. Алишер Навоий ким бўлган?
2. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги имо-ишора маъносини сўзлаб беринг.



3

### Ёд оламиз!

#### Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари

- Билмаганни сўраб ўрганган олим,  
Орланиб сўрамаган ўзига золим.
- Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшил.
- Яхши киши ёмонларга ҳам яхшилигини унутмас.



4

### Фикрингизни жамланг!

1. Алишер Навоий ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Алишер Навоийнинг айтган ҳикматли сўзлари нима ҳақида экан?
3. Ўзингиз билган ҳикматли гапларни айтинг.

сиёҳдон  
жумбоқ  
паришон

- ✓ **Бобомиз Алишер Навоий ҳақида;**
- ✓ **унинг ҳикматли сўзлари нима ҳақида эканлигини;**
- ✓ **саволларга тўлиқ жавоб беришни ўргандик.**





Үқиимиз.

**Отажон**

Фамхўримиз отажон,  
Қалб қўримиз отажон.  
Узоқларни кўролган  
Кўз нуримиз отажон.

Бошимизда соябон  
Меҳрибонсиз ҳар қачон  
Сиз уйда бўлган чоғда  
Қувончимиз бир жаҳон.

Бошимизни силайсиз,  
Бизга тинчлик тилайсиз.  
Бизнинг бахтимиз кўзлаб,  
Меҳнат қилиб тинмайсиз.

Фамхўримиз отажон  
Қалб қўримиз отажон.  
Узоқларни кўролган  
Кўз нуримиз отажон.

*Анвар Қурбон*

1. Шеър кимга аталган?
2. Сиз отангизга қандай сўзларни бағишлар эдингиз?
3. «Бизнинг бахтимиз кўзлаб, Меҳнат қилиб тинмайсиз» деганда нимани тушунасиз?



Мақолни ўқиб, маъносини тушунтиринг.

Ота ғайратли бўлса,  
Бола ибратли бўлар.





3

### Расмларни кузатинг.

Сизнинг отангиз қандай касб әгаси? Унинг касби ҳақида нималар биласиз?



4

### Намунадан фойдаланиб, отангиз ҳақида кичик шеър ёзинг.

хормайди,  
толмайди.  
 силайди,  
тиладиди.

**ғамхўрлик  
соябон  
жаҳон  
кўзлаб**

**Рефлексия: «Мақсадга этиш»**

- Олдин билмас эдим...
- Энди билдим...





Ўқинг ва саҳналаштиринг.

## Кенжा қиз

Бир онанинг етти қизи ва бир ўғли бор экан. Ўғли жуда узокда яшар экан. Бир куни она ўғлиниги жўнабди ва бир ойдан сўнг қайтиб келибди.

Она остонаяга қадам қўйиши билан қизлари бирбирига гал бермай чуғурлаша бошлишибди.

– Вой ойижон-ей, лолақизғалдоқ қуёшни нурини қандай соғинса, мен ҳам сизни шундай соғиндим!  
– дебди катта қизи.

– Қақраган ер ёмғирни қандай соғинса, мен ҳам сизни шундай кутдим, – деб гапни илиб кетибди иккинчи қизи.

– Кичкина қушча учиб кетган онасини қандай соғиниб нола қилса, мен ҳам шундай йигладим, – деди учинчи қизи.

– Асаларига гулсиз яшаш қанчалик қийин бўлса, менга сизсиз яшаш шунчалик қийин бўлди, – дея чуғурлабди тўртинчи қизи.

– Гулзор, боғ булбулни қандай кутган бўлса, мен ҳам сизни шундай интизор бўлиб кутдим, – дея сайраб кетибди олтинчи қизи.

Еттинчи – кенжা қизи онасига ҳеч нима демабди. У онасининг кийимларини ечишга кўмаклашибди. Онасига юз-қўлларини ювиб олиш учун сув келтириб, сочиқ тутибди.

*Василий Сухомлинский*





2

## Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Хикоядан нимани билиб олдингиз?
2. Қайси бир қизнинг иши сизга ёқди? Нима учун?
3. Шу қизлар ўрнида сиз бўлганингизда нима қиласар эдингиз?



3

## Фикр юритайлик.

1. Сиз онангизни соғинсангиз қандай сўзлар билан кутиб оласиз?
2. Агар узоқда бўлсангиз нима деб хат ёзган бўлар эдингиз?




4

## Ёзамиз.

Онангизга атаб хат ёзинг.

*Ассалому алайкум ойижон!*



лолақизғалдоқ  
орзиқиб  
нола  
интизор

- ✓ ҳикояни саҳналаштириб  
кўрсатишни;
- ✓ хат ёзишни ўргандик.





1

Сўзлашайлик!

1. Дўстлик нима?
2. Дўстлик ҳақида қандай мақолларни биласиз?



2

Шеърни ўқинг ва ёдлаб олинг.

### Дўстлик

Дилни дилга боғлаган,  
 Зўр ишларга чоғлаган,  
 Эллар мангу хоҳлаган,  
 Бу дўстлиkdir, бу – дўстлик.  
 Тинчлик борки, кўнгил шод,  
 Оlam яшнар, ҳур-обод.  
 Баралла дер ҳар авлод  
 Бу дўстлиkdir, бу – дўстлик.

*Валижон Аҳмаджон*



3

Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Дўст – дўстнинг кўзгуси.

Яхши кўрган дўстингдан  
 Жонингни ҳам аяма.





4

Ўз дўстингиз ҳақида сўзлаб беринг.

- Дўстингизнинг қандай фазилатлари сизга ёқади?
- Унинг яхши фазилатлари сизга таъсир қиласидими?
- Дўстингиз нималарга қизиқади?



5

Синфдош дўстларингизнинг исмларини дафтарга ёзинг.



чоғлаган  
мангу  
ҳур-обод  
авлод

Рефлексия: «Плюс – минус – қизиқарли»

Плюс (тушунарли)	Минус (тушунарсиз)	Қизиқарли (билгим келади)





Үқиимиз.

## Икки ўртоқ

Тұлқин билан Мурод ён қүшни. Иккаласи қалин ўртоқ. Синфда ҳам бир партада ўтирадилар. Бир куни Мурод ручкасини эсидан чиқариб қўйибди. Тұлқинда әса иккита ручка бор экан. Мурод ундан:

- Битта ручкангни бериб тур, ўртоқ, – деб сўраган әди, Тұлқин:
- Нега ўзингникини эсдан чиқарасан? Бермайман, – деди.

Мурод бошқа қистамади. Шу куни дарсда ҳеч нарса ёзолмади. Хўп алам қилди.

Эртасига икки ўртоқ мактабга эртароқ боришиди. Папкаларини очишиди. Тұлқин қараса, чизғичи йўқ.

– Чизғичингни бериб турасанми, Мурод? – деди ялиниб Тұлқин.

- Йўқ, бермайман! – деди Мурод кулиб.
- Нима, синиб қоладими?
- Бўлмаса ручканг ейилиб қолармиди?
- Бермасанг берма! – деди Тұлқин аразлаб, хозир бориб олиб келаман.
- Ҳа, Тұлқин, қаёққа шошиляпсан? – деб сўради ўқитувчи.

Тұлқин уйда чизғичи қолганини, кейин Муроддан сўраса, бермайман деганини уяла-уяла айтиб берди.

- Ҳазиллашувдим, – деди Мурод.
- Бериб тураман. Мана...



– Ҳа шундай бўлсин, – деди ўқитувчи, бир-бирла-  
рингдан ҳеч нарсани қизғанманглар! Ундан кейин-  
чи, керакли нарсани ҳеч вақт уйда қолдирманглар!

*Ҳаким Назир*



2

### Сўзлашайлик.

- Хикоя нима учун “Икки ўртоқ” деб аталади?
- Мурод ва Тўлқинни қандай бола эканлигини таърифланг.

Мурод	Тўлқин

- Сиз билан дўстингиз орасида шундай воқеа бўлганми?



3

### Дўстингизнинг туғилган куни қачон?

Дўстингизга қандай табрикнома ёзган бўлар эдингиз?

қистамади  
қизғанмаган  
дўнғиллаганча

- ✓ Ҳақиқий дўст қандай хислатларга эга бўлиш кераклигини;
- ✓ уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашни;
- ✓ дўстимизга табрикнома ёзишини ўргандик.






Абай Қўнонбоев – қозоқ адабиётининг асосчиси, буюк шоир. Абай (Иброҳим) Қўнонбоев Қозоғистоннинг Семипалатинск вилоятида туфилган.

У ёшлигига мадрасада ўқиган. Абай ижоди ёшлиқ чоғларидан шеър ёзиш ва ўлан айтишдан бошланган .

Унинг жуда кўп ўланлари халқ орасида машҳур.



Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,  
Ўтган-кетган гапларни термак учун.  
Мен ўланни ёзаман тушунганга,  
Авлодимга бир сабоқ бермок учун.

*Абай Қўнонбоев*



- Абай Қўнонбоев ким бўлган?
- Абай Қўнонбоев ҳақида билганларингизни дўстингиз билан бўлишинг.





3

Ўқинг.

## Қозоқ ери – Ер шари

Абай оға, юрагимдан  
Сизга атаб гул тердим.  
Нурдай ёруғ йўлингизга,  
Таъзим бажо келтирдим.

«Қозогим» – деб куйиб-ёниб,  
Ўтказдингиз умрни.  
Ҳатто бойваччалик қилиб,  
Сурмадингиз даврни.

Қозоқ халқи эркинлигин,  
Киритди ўз қўлига.  
Ўрис, ўзбек, турку татар,  
Шерик бўлди йўлига.

Ҳамжихатлик байроқ бўлди,  
Қозоқ эли – Ер шари.  
Юз-юзлаган эл-элатлар,  
Ватан тутмишдир бари.

*Махаммад Сайдов*

- Шеър нима ҳақида экан?
- “Қозоқ халқи эркинлигин, Киритди ўз қўлига” деган жумланинг мазмунини изоҳлаб беринг.





4

## Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

- Берилган жадвалдан фойдаланиб, Абай отамиз хақида шеър ёзинг.

- Ким? \_\_\_\_\_ .
- Қандай? \_\_\_\_\_ , \_\_\_\_\_ .
- Нима қилди? \_\_\_\_\_ , \_\_\_\_\_ , \_\_\_\_\_ .
- Абай Қўнонбоев ким бўлган? \_\_\_\_\_ .
- Абайни яна ким деб аташ мумкин? \_\_\_\_\_ .




5

## Ёд оламиз.

### Абай Қўнонбоевнинг насиҳатлари

- Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш.
- Яхшига яқин бўл, ёмондан – йироқ.
- Кишига билимiga қараб яхшилик қил, ёмонга қилган яхшилигинг бошингга бало бўлиб тушади.



йўнилмаган  
пазанда  
тўнглик  
шанғиллаган

### Рефлексия: «Саволнома» усули

#### 1. Дарсда мен:

- билдим \_\_\_\_\_
- тушундим \_\_\_\_\_
- ўргандим \_\_\_\_\_



# Менинг мактабим





1

Шеърни ўқинг.

## Мактаб

Ташнадирман илмга,  
Юрарман сени мақтаб.  
Нур тўшадинг йўлимга,  
Қадрдон она мактаб.  
Меҳринг билан ёш юрак  
Тўлиб-тошар лиммо-лим.  
Бўлсам билимдон, зийрак,  
Юлдузга етар қўлим.  
Китобимнинг ҳар сатрин  
Ўқирканман, дил чўғдир.  
Дунёда билимдан зўр,  
Қудратли қурол йўқдир!

*Умида Абдуазимова*



2

Ўйлаб жавоб беринг.

1. Шеърни ўқигандаги нималар кўз олдингизга келди?
2. Шеърдаги: «Бўлсам билимдон, зийрак, Юлдузга етар қўлим» деган жумланинг мазмунини изоҳлаб беринг.



3

Маколни ўқинг. Мазмунини ўз сўзларингиз орқали тушунтиринг.

Олтин ерда қолса ҳам,  
Билимли ерда қолмас.





4

Расмларни кузатинг. Мактабдаги қайси жойда кўпроқ бўлишни хоҳлайсиз? Нима учун?



ташнадирман  
ҳар сатрин  
дил чоғдир

- ✓ Мақол мазмунини ўз сўзларимиз орқали тушунтиришни;
- ✓ мактаб билим маскани эканлигини;
- ✓ таянч сўзларнинг мазмунини изоҳлашни билиб олдик.





Эртакни тингланг.

## Мукофот

Бир бор экан, бир йўқ экан, каттакон ўрмонда қайрағочлар остида бир мактаб бор экан. Унда Мошвой исмли мушукча, Қағ-қағ исмли қарғача, Дик-дик исмли қуёнча, исми Чий-чий сичқонча, Пи-пи исмли маймунча, Хир-хир исмли чўчқача ва бошқалар ўқишар экан.

Ўқишиш бошланган куни Товусхон исмли жуда хушфеъл, мулоим бир ўқитувчи уларга китоб ва дафтарлар улашибди.

– Китобларингизни йиртмасдан, яхши сақланглар. Бу китобларни сиздан кейин укаларингиз ҳам ўқишиади, – дебди ва таъкидлаб яна қўшиб қўйибди:

– Кимки китобни яхши сақласа, ўқув йили охирида ўшанга ҳам мукофот берамиз.

Улар китоб ва дафтарларини севиниб-севиниб олиб кетишибди. Орадан кўп ўтмабди. Бир куни Чий-чий Пи-пига мақтаниб:

– Муқовасини еб кўрсам, бирам мазалики, – дебди китобини кўрсатиб.

Пи-пи ҳам шунақамикан-а, деб китобнинг муқовасини қийма-қийма қилибди.

Уларни кузатиб турган Хир-хир ҳам мақтаниб қолибди:

– Китобда пиёз, шолғом, картошка сурати бор экан, ҳаммасини едим. Пи-пи ҳам қизиқиб кетиб, китобдаги жами суратларни еб чиқибди. Қағ-қағ ҳам



бўш қолмабди. Олча, гилос, олма, ёнғоқ расмларини чўқиб, китобни илма-тешик қилиб ташладим.

Ўқув йили тугаши биланоқ Товусхон ўқувчилардан китобларни бирма-бир йиғиб олибди. У Чий-чий билан Пи-пидан ҳам, Хир-хир билан Қағ-қағдан ҳам жуда-жуда хафа бўлибди. Аммо Мошвой билан Дик-дикдан хурсанд бўлибди. Чунки улар китобларини йиртмай, кир қилмай, озода сақлаган, яхши тутишган экан.

Товусхон Дик-дикка битта сабзи, Мошвойга эса иссиққина бўғирсоқ мукофот берибди ва суратларини намуналилар қаторига илиб қўйибди.

### *Неъмат Тошпўлат*

1. Эртак қаҳрамонларидан кимлар нотўғри иш қилишди?
2. Товусхон Дик-дик билан Мошвойга нима учун мукофот берди?
3. Сиз китобингизни қандай сақлайсиз?



2

Биласизми? Бу қизик?

Китоб кўп йил аввал пайдо бўлган. Бу даврларда у турли кўринишда бўлган. Китоб аввал лойдан ясалган. Кейинчалик ҳайвон териларига, устига мум суртилган тахтачаларга ёзиб китоб тайёрлаганлар. Сўнг ипак матолардан, қофоздан китоб тайёрлашда фойдаланишган.

хушфеъл  
мукофот  
мум



**Рефлексия: «Мевалар сұхбати» усули**  
**Тушунарсиз... Саволим бор... Қизиқарли...**



21

## МУАЛЛИМ



1

Сўзлашайлик!

1. Сизнинг биринчи устозингиз ким?
2. Муаллим қандай инсон?



2

Ўқиймиз.

### Муаллим

Онажоним офтоб бўлса,  
Сиз осмонсиз, муаллим  
Отажоним қўшиқ бўлса,  
Сиз достонсиз, муаллим.



Ота-онам ҳаёт берса  
Бахт бердингиз, муаллим  
Билим бериб, юксакларга  
Боқ дедингиз, муаллим.  
Бу оламда довруқларни  
Достон қилинг, муаллим  
То бор экан она замин,  
Омон бўлинг, муаллим.

*Олқор Дамин*



3

Устозларингиз ҳақида гуруҳда постер тайёрланг.



4

Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Билаги зўр бирни йиқар,  
Билими зўр – мингни.

Билим – давлатдан қиммат.

Доно минг яшар,  
Нодон бир яшар.

достон  
юксакларга  
замин  
нодон

Рефлексия: «Саволнома» усули

1. Дарсда тушунарли бўлди: \_\_\_\_\_
2. Дарсда қизиқарли бўлди: \_\_\_\_\_
3. Дарсда қийинчиликлар бўлди: \_\_\_\_\_





## МАЙИБ КИТОБ



1

Топишмоқнинг жавобини топинг.

Илмга кон  
Мазмунга макон  
Сўзи серҳикмат,  
Бизга дўст, улфат.



2

Келинг сұхбатлашамиз.

«Китоб дўконида» мавзусида дўстингиз билан диалог тузинг.



3

Хикояни ўқинг.

### Майиб китоб

Икки дўст учрашиб қолишибди, улардан бири:

– Дўстим, бир қизиқ ҳикоя ўқидим, эшитишни хоҳлайсанми? – дебди.

– Хоҳлайман, – дебди – иккинчиси.

– «Тўрт киши сафарга чиқишибди. Узок юрибдилар. Овқатлари, сувлари тугаб қолибди. Бир жойда хароба кулбани кўриб, ўша ерда тўхташибди.



Шунда сайёхлардан бири, «Биз бирор егулик топиб овқатланишимиз керак. Мен айланиб келай-чи, бирор қушми, ҳайвонми учраса, ов қилиб келай», дебди. У бир оз юргандан кейин олдидан баҳайбат бир шер чиқиб қолибди. Сайёх қўрқиб, орқасига қараб қочибди. Шер ҳам оч экан, уни роса қувибди. Сайёх кулба томон югурибди. Энди етиб келдим деганда қоқилиб йиқилибди...»

Ҳикоя қилиб бераётган дўсти тўхтаб, «шер, шер...» дермиш.

– Давом эттир, кейин нима бўлибди? – дебди дўсти жуда ҳам қизиқиб.

– Дўстим, у ёғини билсам, айтардим, ўқиган китобимнинг кейинги саҳифаси йўқ, йиртилган экан, – дебди.

– Вой, қайси нодон китобни йиртибди-а? Китоб бечора майиб бўлиб қолибди-ку! Воқеа нима билан тугади-а? – деб яна қизиқиб сўради дўсти.

– Билсам айтиб берардим, айтдим-ку, китобни саҳифаси йўқ! – дебди дўсти.

Болалар, ўйлаб кўринг-чи, балки ҳикояни давомини сиз айтиб берарсиз?

*Нилуфар Маткаримова*



4

Ҳикоядаги воқеа ҳақида расм чизинг ва ҳикоя мазмунини сўзлаб беринг.

серҳикмат  
хароба  
сайёхлар  
баҳайбат  
майиб

- ✓ Партадошим билан расм асосида диалог тузишни;
- ✓ ҳикоя мазмунига мос расм чизишни ва сўзлаб беришни ўргандик.



51



# 23

## СЕҲРЛИ ҚАЛАМ



1

Топишмоқлар жавобини топинг.

Сирти таёқ  
Ичи бўёқ.




Онгимизга нур сочар,  
Нурлар эшигин очар.



Қаттиқ, юмшоқдир жисмим,  
Хатони ўчиргум жим.  
Энг яқин дўстим чизғич,  
Мени дерлар ...



Ўртоғим ручка, қалам  
Бир чизик, катта далам  
Иккичига каптарман  
Аълочиға ... ман



2

Ўқиймиз.

### Сеҳрли қалам

Алижон дадаси билан тоғасиникига меҳмон бўлиб борди. Тоғаси расм чизаётган экан. У чизган олмалар худди тебраниб, узилиб тушай деб тургандек, қушлар бўлса худди сайраб юбораётгандек тушибди...

Уларга қараб Алижоннинг завқи келибди. «Ия, бу ажойиб қалам экан-ку! Бундай қаламни қаердан топса бўларкан? – деб ўйлабди.



**Охири Алижон:**

– Тоға, қаламингизни бериб туринг! Бирпас туриб келтириб бераман, – дебди.

**Рассом:** «Қани жияним қаламни нима қилмоқчи экан?» деб ўйлабди-да:

– Ҳа, майли, ола қол, – дебди.

**Алижон** қалам билан қоғоз олиб күчага югурибди. У болаларга қаламни кўрсатибди.

– Болалар, кўрдингизми, мана бу сеҳрли қалам,  
– деб мақтанибди.

– Хоҳлаган нарсаларингизни қойил қилиб чизиб беради. Қани айтинглар, нимани расмини чизиб берай?

**Болалар ҳовлиқиб:**

– Паровознинг расмини чиз... отнинг расмини чиза қол, ўрдак чизиб бер. Тарвузни чиза қол, – деб чувиллабди.

**Алижон:**

– Тўхтанглар, ҳозир сизларга отнинг расмини чизиб бераман, – деб чиза бошлабди. Лекин чизган расми сира отга ўхшамабди. Алижон қаттиқ хижолат бўлибди. “Бу қаламга нима бўлди, чиза олмаяптику? – деб ҳайрон бўлибди. Шу вақтда болалар ёнига тоғаси келибди. У Алижонга қараб кулибди.

– Қаламга ҳеч нарса бўлгани йўқ. У қаламлигича турибди. Бундай қаламлар ҳаммада ҳам бор. Бироқ яхши расм чизиш учун кўп машқ қилиш, ўқишиш, ўрганиш керак. Гап қўлингнинг чизишга ўрганмаганида, холос дебди.

**Ҳамма болалар:**

– Тўғри, дунёда сеҳрли қалам йўқ, лекин уста қўллар кўп. Гап қўлни ўргатишда деб қичқиришибди:

Шу кундан бошлаб Алижон ҳар куни қўлига қоғоз, қалам олиб расм чизадиган бўлибди. Шундай қилиб, ҳозир Алижон расм чизишида тоғасидан қолишмайдиган эмиш.

*Тургунбой Фойипов*



3

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Сизда ҳам “Сеҳрли қалам” борми?
2. Нималарнинг расмини чизиш сизга кўпроқ ёқади?



4

Ўзингиз ёқтирган нарса расмини чизинг ва изоҳлаб беринг.

### Топишмоқ нима?

Топишмоқ – халқ оғзаки ижодининг ўйин турларидан бири. Топишмоқда топилиши керак бўлган нарса, ҳодисалар ўхшатмалар орқали берилади. Сиз шу ўхшатмалардан унинг нима эканлигини топасиз.

жисмим  
туйилибди  
парвоз

Рефлексия: «Ўз сўзимнинг далили» усули

1. Дарсда мен бажардим ... сабаби ...
2. Дарсда мен фаол қатнашдим ...  
сабаби
3. Дарс менга ...



24

## МАКТАБГА ЙЎЛ



1

Келинг, сұхбатлашайлик!

1. Ҳар куни мактабга ким билан келасиз?
2. Йўлда кимларни учратасиз?
3. Йўлда қандай қизиқ воқеаларга дуч келгансиз?



2

Ўқиймиз.

### Дугоналар



Тонг-ла Шахноза, Ойхон,  
Бирамки хурсанд, шодон,  
Иккаласи ёнма-ён,  
Йўл олишди мактабга.  
Опа-ю, сингил мисол,  
Дилдан сўзлашиб хушҳол,  
Қўлда папка – бемалол  
Йўл олишди мактабга.  
Қаранг, меҳрибон, инок,  
Қўл ушлашиб хушчақчақ.  
Гулдай очилиб қувноқ  
Йўл олишди мактабга.

Оллоберган Пўлатов



3

Шеър кимлар ҳақида экан?

1. Сизнинг синфдаги дўстингиз ким?
2. Синфдош, партадош деганда кимларни тушунасиз?

?!  
?

4

Үйлайлик, топайлик, чизайлик.

Уйингиздан мактабгача бўлган йўл харитасини партадошингиз билан чизинг.



тонг  
шодон  
хушхол  
иноқ

- Рефлексия: «Поезд» усули
1. Билиб олдим ...
  2. Жуфт бўлиб ишладим ...
  3. Ёрдам бердим ...
  4. Қийналдим ...





Үқиймиз.

### Ажойиб кашфиёт

Элбек доимо бир нарса ўйлаб топишга қизиқади. Бир куни у пирпирак ясади, уни томга ўрнатди ва кузатиб, шамол эсган томонни аниклаб, табиат дафтариға белгилаб қўйди.

Элбек ўзича уни бир кашфиёт деб ҳисобларди. Эртаси куни худди пирпирагига ўхшатиб чархпалак ясади, чархпалакни қоғоздан эмас, балки тахтачалардан ясади. Унга музқаймоқдан бўшаган стаканларни сим билан боғлаб қўйди ва кўча-эшик олдидаги ариққа ўрнатди. Тарновча ясади, уни ҳам мос жойга қўйди.

Чархпалакни айлантирди, стаканчалар тўлиб, тарновга сув қуида бошлади.

Бу сувлар кўчанинг нариги бетидаги гулларни суғоришга ёрдам берди.

Ўтган-кетганлар:

– Вой, буни қаранглар-а, кичкинагина чархпалакни ким ясаган экан? – деб томоша қилишди. Элбек “мен” демоқчи бўлди-ю, индамади.

Эртаси куни Элбек яна бир кашфиёт қилди.

– Нима дерсиз-а?

Мева-чеваларни тортиш учун тарози ясашга киришди. Аввал ёғоч танлади, сўнг фанер топиб, уни думалоқ шаклда арралади.

Бу тарозининг икки палласи эди. Палларнинг ҳар бирида учтадан тешик қилди. Ёғочга қанот тасма боғлади. Уларни тарози палласидаги тешикларга боғлади.

– Ойижон, – деди у суюниб, – қаранг, энди бизда тарози бор...

*Нодира Назруллаева*





2

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Элбек қандай бола?
2. Элбекка үхшаб сиз ҳам бирор нарса ясаганмисиз?
3. Ясаган нарсангизга катталар қандай баҳо беришган?



3

Дүстингиз билан тарози ясаб күринг. Ясаган тарозингизни таърифлаб беринг.



4

Интернет ва болалар энциклопедияларидан қадимги тарозилар ҳақида топиб ўқинг.

кашфиёт  
чархпалак  
палла

Рефлексия: «Ўз-ўзини баҳолаш» үсули

- ✓ Дарсда қандай билимлар ёрдам берди?
- ✓ Нима менга ёқди? Сабаби?
- ✓ Қандай қийинчиликлар бўлди?  
Нима учун?





1

Үқиймиз.

### Жонажон мактабим

Жонажон мактаб, бугун  
Хузурингга келганмиз.  
Поёни йўқ меҳрингни  
Таърифингдан билганмиз.

Билим маскани ўзинг  
Қучоғингни кенгроқ оч.  
Ҳимматингни аямай  
Зиёларинг кўпроқ соч.

Шошилдик сенга жуда  
Орзу-истак кўп бизда  
Вақт кетмасин беҳуда  
Таълим олайлик тезроқ.

Бизлар ўқиб бағрингда  
Буюқ инсон бўлайлик.  
Унутмасдан ҳеч сени,  
Номинг дилга ўяйлик.

*Дилфуза Каримова*

Шеърнинг мазмунини ўз сўзларингиз билан  
сўзлаб беринг.





2

## Расмларни күзатинг.

Эски ва янги мактаб орасида қандай фарқ бор? Қандай ўхшаш томонлари бор?



3

Қуйида берилган сўзлардан фойдаланиб мактаб ҳақида шеър ёзинг.

жонажоним,  
мақоним,  
и́лм,  
би́лим.

хузуриңга  
маскани  
ҳимматинги  
бехуда

**Рефлексия:**  
**«Менинг далилларим» усули**

Мен 

Билдим ...  
 Эсда сақлаб қолдим ...  
 Фойдалана оламан ...  
 Ёза оламан



# Менинг қадрдан үлкам





1

Шеърни ифодали ўқинг.

## Ватан

Ватан-үйинг, Ватан-ҳовлинг,  
Ватан-кўчанг, чароғон.  
Ватан-شاҳар, қишлоғингдир,  
Элу юртинг, фаровон.

Юксак тоғлар, азим дарё –  
Ватан, сенга орқатоф  
Дилларингга ором берар,  
Ватанингдир – дала, боғ.

Ватан – она – юрт муқаддас,  
Севгин уни, болажон.  
Ватанингдир она тупроқ –  
Қозоғистон жонажон.

*Мухаммад Саид*

1. Ватан деганда нимани тушунасиз?
2. Шеърдаги «Ватан сенга орқа тоғ» фикрини қандай тушунасиз?



2

Мақолларни ўқинг. Мазмунини гапириб беринг.

Ватани борнинг – баҳти бор,  
Меҳнати борнинг – тахти.

Она юртинг – олтин бешигинг.






3

## Келинг, сұхбатлашайлык!

1. Расмларда қаерлар тасвирланған?
2. Сиз бу ерларда бўлганмисиз?
3. Давлатимиз Рамзлари ҳақида нималар биласиз?



чароғон  
фаровон  
орқатоғ  
муқаддас

### Рефлексия: «10 балл»ұсули

- |            |   |       |    |
|------------|---|-------|----|
| «Мен»      | 0 | _____ | 10 |
| «Биз»      | 0 | _____ | 10 |
| «Бажардик» | 0 | _____ | 10 |





1

Матнни тингланг.

### Ватан

Бу сўз ҳамма халқлар учун азиз. Ҳар бир халқ яшайдиган жой уларнинг она, Ватанидир. «Ватан» сўзи арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради.

Ватан она каби ягона, муқаддас. Қозоғистон аждодларимиз умр кечирган, биз туғилиб, унибўсаётган диёр. Биз ўз Ватанимизни севамиз, у билан фахрланамиз. Ватанимизда барча халқлар teng ҳуқуқли. Улар бир-бирлари билан дўстона муносабатда, аҳил яшайдилар.

Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачифидек асраш, бор куч ва иқтидорини унинг ободлиги йўлида сарфлаш – ватанпарварлик.



2

1. Ватан ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Ватанимиз ҳақида-чи?
3. Сиз Ватан учун нима қила оласиз?





3

**Харитага қаранг. Қозоғистон билан чегарадош давлатларни аниқланг. Уларнинг номларини дафтарингизга ёзинг.**



4

**Фикрлашайлик.**

Ватанинг тинч – сен тинч.

Мақол мазмунини ўз сўзларингиз орқали тушуниринг.

аждодларимиз  
униб-ўсаётган  
фаҳранамиз  
кўз  
қорачиғимиз  
ватанпарвар

- ✓ Ватанимиз ва унга чегарадош бўлган давлат номларини;
- ✓ харита билан ишлашни ўрганиб олдик.





1

Ўқиймиз.

## Биз – Ватаннинг эртаси

Кувноқ ўғил-қизлармиз,  
Ердаги юлдузлармиз,  
Келажакни кўзлармиз,  
Биз – Ватаннинг эртаси.  
Темурнинг авлодимиз,  
Тўмарис зурриёдимиз,  
Тинчликдир муродимиз,  
Биз – Ватаннинг эртаси.

Ўсаյпмиз эркин, шод,  
Иzlаниб, қилиб ижод,  
Билим – букилмас қанот,  
Биз – Ватаннинг эртаси.  
Эл-юрт шаъни – оримиз,  
Пок сақлаш шиоримиз,  
Яшасин диёrimиз,  
Биз – Ватаннинг эртаси.

*Муҳим Қодир*



2

Суҳбатлашайлик.

1. Шеър кимнинг номидан айтилган?
2. «Биз – Ватаннинг эртаси» деганда нимани тушунасиз?
3. Шеърдаги: «Эл-юрт шаъни – оримиз, пок сақлаш шиоримиз» қаторлари мазмунини тушунтириб беринг.






3

### Фикрлашайлик.

Ватанимизнинг гуллаб яшнаши учун сиз қандай ҳисса кўшган бўлар эдингиз?

?!  
4

Ўйлайлик. Расмни дафтарингизга чизиб, бўш доирачаларни тўлдиринг.



Темур  
Тўмарис  
зурриёд



### Рефлексия:

#### «Фикрлар таҳлили» усули

1. Дарсда нима менга ёқди, сабаби ...
2. Дарсда менга тушунарсиз бўлди,  
сабаби ...
3. Фойдалана оламан, сабаби ...





1

Ўқиймиз.

### Мустақиллик яшасин

Гул-чаман ўнг сўлимда,  
Қуёш порлаб йўлимда,  
Ихтиёрим қўлимда,  
Мустақиллик яшасин!  
Куйласам шўх овозим,  
Жаранглаб кетар созим,

Хуш куз, қиши, баҳор, ёзим  
Мустақиллик яшасин!  
Мен довюрак, мард эрман,  
Элда фидойи шерман,  
Жаҳонга тинчлик, дерман,  
Мустақиллик яшасин!

*Оллоберган Пўлат*



2

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Шеърни ифодали ўқинг. Мазмунини сўзланг.
2. Қозоғистон Республикаси қачон мустақилликка эришган?
3. Бу йил мустақилликнинг неча йиллигини нишонлаймиз?
4. Шеърни ёд олинг.





3

Мақолларни ўқинг. Мазмуни ҳақида дўстларингиз билан сұхбатлашинг.

Балиқ сув билан тирик,  
Одам – әл билан.

Она ернинг тупроғи  
Она сутидай азиз.



4

Фикрлашамиз ва ёзамиз.



Расмни кузатинг. Мустақиллик байрами ҳақида 5 та гап ёзинг.

ихтиёrim  
довюрак  
фидойи

### Рефлексия: «5 бармоқ» үсули

1. Менинг кайфиятим ...
2. Мақсадга эришдим ...
3. Яңгиликтардан хабардор бўлдим ...
4. Хатога йўл кўйдим ...
5. Менга ёрдам керак ...



# НУР-СУЛТОН – ВАТАНИМИЗ ЮРАГИ



1

Сұхбатлашайлык.



Расмлар асосида дүстларингиз билан саволжавоб үтказинг.



2

Ифодали ўқиймиз. Шеърни ўқинг.

## Васият

Васиятим: ҳақни сев, оlamни сев,  
Халқингни ардоқлаган одамни сев.  
Элингнинг орзуларин ушалтирган,  
Шу бугунги баҳтли замонни сев.

*Жамбул Жабоев*

1. Ватанимиз пойтахти ҳақида нималар биласиз?





3

### Тинглаймиз.

Ҳар қандай юртнинг фарзанди ўз Ватани, туғилган ерининг қадрига етиши керак. Нур-Султон – элимизниң бош шаҳри, мустақил Қозоғистонниң пойтахти. Нур-Султон Евроосиёниң марказида жойлашган. Шаҳарга 1830 йили асос солинган ва Ақмолинск деб аталган. 1968 йили шаҳарниң номи Целиноград деб ўзгартирилган. 1992 йилда шаҳарга Ақмола номи қайтарилди. 1998 йил 10 июндан Ақмола Қозоғистон Республикасининг пойтахти бўлиб, номи Астана деб ўзгартирилди. 2019 йили пойтахт номи Астанадан Нур-Султонга ўзгартирилди.

Нур-Султон – Қозоғистонниң ёш шаҳри. Унинг майдони 710 квадрат километр. Нур-Султон кун сайин гуллаб-яшнамоқда.



4

### Сұхбатлашайлик.

1. Нур-Султон қандай шаҳар?
2. Унга қачон асос солинган?
3. 1968 йили шаҳарниң номи қандай аталган?
4. Қачондан бошлаб Нур-Султон пойтахт деб қабул қилинган?
5. Нур-Султон номи шаҳарга қачон берилди?

Евроосиё  
Целиноград

- ✓ Оддий ва аниқлаштириш учун саволлар қўйиш ва унинг жавобини матндан топа олишни;
- ✓ расм асосида савол-жавоб ўтказишини ўзлаштиридик.





1

Ўқиймиз.

### Она юртим

Ойижоним сингари  
 Суюб, қучиб сени ҳам,  
 Осмонингни тўлдириб,  
 Учгим келади ҳар дам.  
 Дарсдан келиб, далага  
 Шошаман ёрдам учун:  
 Чўлларингни гулзорга  
 Айлантиrmайин нечун?  
 Дадамдек ҳар ишингга  
 Ярамоққа мен шайман.  
 Она юртим, ҳамиша  
 Сени севиб яшайман!

*Неъмат Орипов*



2

Фикрлашайлик.

1. Ватан, юрт сўзларига нима учун «Она» сўзи қўшиб айтилади?
2. Ўз она юртингизни таърифланг.



3

Ўқинг, изланг.

Ватан ҳақида мақоллар айтинг.





4

## Қиёсланг.



5

## Ёзамиз.

Расмларни күзатынг. Берилған жадвалга шаҳар ва қишлоқ ҳаёти ўртасидаги ўхшаш ва фарқ томонларини ёзинг.

Ўхшаш томонлари	Фарқ томонлари



6

Мақолни ўқиб мазмунини түшүнтириңг.

Ватанинг тинч — сен тинч.

сингари  
шайман  
сүйиб



### Рефлексия: «Бортли журнал»

Мавзу бўйича  
нима билар  
эдим?

Матндан қандай  
янгилик билиб  
олдим?



1

## Танишайлик.

Қозоқ халқининг бийлари исмларини ёзинг.

## Қозоқ халқининг бийлари

Тўлебий – Жамбил вилояти, Шу тумани, Жайсан яйловида дунёга келган. Ўз элининг, ўзга халқларнинг оғзаки ижодини яхши билган. Гапга чечан, сўз устаси бўлган.

Фоз товушли Қазибекбий ақлли, теран фикрловчи, халқи учун кўп қайғурган инсон бўлган. Ўзининг топқирлиги, ботирлиги, шижааткорлиги билан юртда тинчликнинг барқарорлигини ушлаган.

Айтекебий 12 ёшгача онаси Ақшаханинг тарбиясида бўлиб, эл бошқариш ва ҳарбий билимларни ўзлаштирган. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида форс-араб тилларини ўрганган.



2

## Ўқиймиз.

## Айтекебийнинг ҳикматлари

Жаҳл бор жойда ақл турмайди.

Жаҳл деган – оқар сув.

Олдини очсанг – шарқирар,

Ақл деган – дарё

Олдини тўссанг – тез тўхтар.





Ривоятни тингланг.

## Абу Носир ал-Форобий

Форобий бир куни бозор оралаб юриб, қаддиқомати келишган, ёрқин юзли йигитнинг тиши билан мих суғуриб, бир неча хил ҳунар кўрсатиб тургани устидан чиқиб қолибди. Унинг ҳунарини томоша қилаётган одамлар олдига оз-моздан тийин ташлар эди. Абу Носир унинг ёнига бориб:

- Йигит кунига қанча пул топасан? – деб сўрайди.
- Икки дирхамга етар – етмас, – деб жавоб берибди йигит.

– Унда сен бозорда юриб ҳунар кўрсатишингни қўй. Мен билан бирга юр, мен сенга ўқишни ўргатаман, ҳар кунингта тўрт дирхам бериб тураман, – деб йигитни етаклаб олиб кетди.

Буни эшитган савдогар даллоллар:

- Мана бу девонанинг эси дурустми! Уни ўзи ўқитиб, яна кунига тўрт дирхам бераман дегани нимаси? – деб калака қилишибди.

Форобий ҳеч кимни тингламай, йигитни етаклаб бозордан чиқиб кетибди.

Кейин шу йигит катта олим бўлиб дунёга танилибди.



## Фикр юритайлик.

- Форобий ким бўлган?
- Нима учун йигитни ўзи билан олиб кетди?

чечан  
мадраса  
дирхам

✓ Буюк алломаларнинг ҳаёти ҳақида;  
✓ ҳикматлар ва ривоят мазмунини сўзлашни ўргандик.





1

Сұхбатлашайлик.

- Ватан ҳақида қандай қүшиқларни биласиз?
- Ватан ҳақида қүшиқ айтған қайси қүшиқчиларни биласиз?



2

Үқиймиз ва ёдлаб олайлик.

### Шеърим сенга, Ватаним

Мақтаганда булбул  
Сайраб чаманин,  
Мен не учун мақтамай  
Она-Ватаним.

Мустақил Ватаннинг,  
Мен ўғли эркин  
Севаман дунёнинг,  
Лаззатин, кўркин.

Менинг Ватанимда  
Туғилган инсон,  
Табиий ижодкор,  
Бўлар, бегумон.

Мени шоир этган  
Шу ҳаёт доим  
Шеър йўлин ўргатган,  
Қуёшим ойим.

*Қуддус Мухаммадий*





3

### Савол биздан, жавоб сиздан.

- Шеърда Ватан ҳақида нима дейилган?
- Сиз нима учун Ватанингизни яхши кўрасиз?
- Ватан ҳақида яна қандай шеърларни биласиз?



4

### Мақолнинг мазмунини тушуниринг.

Дарахтни ер кўкартиради,  
Одамни эл кўкартиради.



5

### Шеърни қўшиқ қилиб айтиб кўринг.



чаман  
эркин  
лаззатин  
ижодкор

**Рефлексия: «Плюс – минус – қизиқарли»**

Плюс (тушунарли)	Минус (тушунарсиз)	Қизиқарли (билгим келади)





# *Соф танда – соғлом ақл*



1

Ўқиймиз.

**Ибн Сино бобо –  
Улашар даво  
(Ўгитлар)**

Хом сувни ичма,  
Соғлиқдан кечма.  
Билгил тан соғлиқ,  
Ўзингга боғлиқ.  
Ҳар кун эрта тур,  
Ювин ва югур.  
Пок ва соғ доим,  
Қулар мулойим.  
Соғлиқ улуғ баҳт,  
Асқотар ҳар вақт.  
Соғнинг кўнгли тўқ,  
Марднинг қалби чўғ.  
Чин кўнгилдан кул,  
Соғломлигинг шул.  
Кимки саломат,  
Бордир ҳаловат.

*Пўлат Мўмин*



2

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Ўгитларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.
2. Ўгитларнинг қай бири сизга таниш?
3. Сиз берилган ўгитларга риоя қиласизми?  
Фойдасини билдингизми?





3

Расмларни кузатинг. Расм асосида шеър маз-  
мунини сўзлаб беринг.



4

Мақолни ёддан ёзинг.

Ҳаракатинг – соғлигинг,  
Меҳнатинг – бойлигинг.

мулойим  
чўғ  
ҳаловат

Рефлексия: «Мақсадга етиш»

- Олдин билмас эдим...
- Энди билдим...





Тинглаймиз.

## Тоза булоқ

Уч йўловчи бир булоқнинг бошида учрашибди. Булоқ бир тошлок ердан чиққан экан. Булоқнинг суви муздай салқин, чиннидай тиник, атрофи қалин дарахтлар билан ўралган экан.

Булоқнинг қайнаб турган кўзига яқин жойга қозондай бир қора тошни қўйиб, унга:

- Эй, йўловчи, бўлсанг, шу тоза булоқдай бўлгин,
- деб ёзилган экан.

Уч йўловчи булоқдан тўйғунларича сув ичишибди ва тошдаги ёзувга кўзлари тушибди.

Шунда йўловчиларнинг бири туриб шундай дебди:

– Бунда ёзилгани ҳикматли сўз экан. Булоқ куни-туни тинмай оқиб, узоқ жойларга боради. Бора-бора кенгайиб, катталашади. Йўлда унга кичик ирмоқлар қўшилиб, катта кўлга айланади. Бундан хулоса: “Сен ҳам, одам, тинмай меҳнат қил, ялқовлик қилиб тўхтаб қолма, шунда сен ҳам улғайиб, муродингга етасан, дейилгани деб ўйлайман”, – дейди.

Иккинчи йўловчи бошини чайқаб:

– Йўқ, мен ундей деб ўйламайман, – дебди. Бу ёзувнинг маъноси сиз ўйлагандан чуқурроқ бўлса керак. Булоқ барча чанқаганларнинг чанқоғини қондиради, иссиқлаганни салқинлатиб, роҳатлантиради. Бу учун ҳеч кимдан ҳақ сўрамайди. Бундан хулоса шуки, бирорга яхшилик қилсанг,



қилган яхшилигингни миннат қилма, деган маънони билдиради, – дебди.

Йўловчиларнинг учинчиси, энг ёш, кўркам йигит жим ўтираверибди. Шериклари: “Сен нима деб ўйлайсан?”, – деб сўрашибди.

Йигит:

– Менинг хаёлимга бошқа нарса келди. Бу булоқнинг суви бир жойда тўхтаб туриб қолса, чўпчор тушиб, балчиқ-лойга айланса, унга одам эмас, ҳайвонлар келар эди. Булоқ куни-туни тинмай оқиб, тозаланиб тургани учун унга одамлар ташна. Шундай экан, бу ёзувнинг маъноси шу: кўнглингни, танангни шу булоқдай тоза тут. Булоққа қарасанг, кун тушса-куннинг, ўт тушса-ўтнинг соясини кўрамиз. Шунга ўхшаб, кўнглимиз булоқ сувидай тоза бўлсин дегани, деб ўйлайман, – дебди.

*Ибирај Алтинсарин*



2

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Булоқ ёнидаги тошга нима деб ёзилган экан?
2. Биринчи йўловчи нима деди?
3. Иккинчи йўловчи тошдаги ёзувни қандай изоҳлади?
4. Учинчи йўловчи қандай хулосага келибди?
5. Тошдаги ёзувни сиз қандай тушундингиз?



3

Билиб олайлик!

Орасталик мазмуни:

- Тозалик;
- Ярашимли оддий кийим;



- Сочларни тартибга келтириш;
- Мехнатдаги гүзәллик;
- Ўйни саришта тутиш;
- Ўқув қуролларини тартибли ва озода сақлаш.



**4**

Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

1. Орасталик ҳақида қандай тасаввурга эга бўлдингиз?
2. Матндан ўзингизга қандай хулоса чиқардингиз?
3. Ўз оиласизда орасталикка қандай амал қилиниши ҳақида сўзлаб беринг.
4. “Тоза жой фариштали бўлади”, деган халқ иборасини қандай тушунасиз?

Фикрингизни 4 та гап ёзиш орқали билдиринг.



**5**

Суҳбатлашамиз.

- Дўстингиз билан ҳикоя асосида режа тузинг.
- Ҳикоя мазмунини режа асосида сўзлаб беринг.

булоқ  
ирмоқ  
ташна  
чанқоқ

- ✓ Орасталик мазмуни ҳақида;
- ✓ ўз фикримиз асосида хулоса чиқаришни;
- ✓ эртакни режа асосида сўзлашни ўргандик.







1

Ўқиймиз.

### Совун, сочиқ ва тиш чўтка

Совун, сочиқ, тиш чўткалар  
Хизматини билиб қўйинг.  
Юзу қўлни оқ сочиқقا  
Артиб бўлгач, илиб қўйинг.  
Совунни ҳам яхши сақланг,  
Ерда қолиб эзилмасин.  
Кутичада турсин тоза,  
Тутганингиз сезилмасин.  
Тиш чўткасин роса чайинг,  
Ювиб бўлгач тишларингизни.  
Раҳмат, десин кўрган барча  
Бу одобли ишингизни.  
Тозаликнинг боши шулар  
Тиш чўткаси, совун, сочиқ.  
Буларни соз тутганларга  
Ҳаёт учун кенг йўл очик.



*Толиб Йўлдош*



2

Суҳбатлашайлик.

1. Совун, сочиқ ва тиш чўткалар билан иноқ бўлишнинг қандай фойдаси бор?
2. Шахсий гигиена қуролларингизнинг расмини чизинг.



3

Үйлаймиз, сұхбатлашамиз ва ёзамиз.

## Топишмоқ

Онам учун ғам чеккан,  
Түзөн ютиб, чанг еган.  
Үйда тураг бир асбоб  
Хизматлари беҳисоб.



1. Топишмоқнинг жавобини топинг.
2. Сиз нима деб үйлайсиз, бизга тозалик учун яна қандай нарсалар ёрдам беради?
3. Уларни айтинг ва номларини дафтaringизга ёзинг.



4

## Фикрлашайлик.



Расмга қараб “Озода қызы” мавзусида ҳикоя тузинг.

**Эзилмасин  
сөз тутғанларга  
ғам чеккан  
түзөн ютиб  
беҳисоб  
чанготгич**

**Рефлексия: «Үқитувчига хат» үсули**  
**Нима осон бўлди ...**  
**Нима қийин бўлди ...**  
**Нима қизиқарли бўлди ...**  
**Нима билгим келади ...**





1

## Үқиймиз.

Матнни тез үқинг. Бир дақиқа ичида қанча сұз үқидингиз. Ҳисобланг.

## Овқатланиш гигиенаси

Овқатланишдан олдин құлни яхшилаб ювиш керак. Тоза идишда ейиш ва сув ичиш керак. Овқатланаётганда түғри ўтириш, тарелкага әнгашыб олмаслик, столга тирсак билан тирадысынан көрсөткіш керак. Овқатни шошилмасдан яхшилаб чайнаб ейиш керак. Шунда у яхши ҳазм бўлади. Овқат ейиш вақтида китоб ўқиши, гаплашиш мумкин эмас. Овқатланиб бўлгандан кейин идишни иссиқ сув билан ювиб, ўз жойига қўйиши керак.

Ўз вақтида нонушта, тушлик қилиш ва кечки овқатни вақтида ейиш керак. Кечки овқатни уйқуга ётишдан камида 2 соат олдин ейиш керак.





2

## Сұхбатлашайлык.

1. Овқатланиш олдиdan қандай гигиена қоидаларiga риоя қилиш керак?
2. Стол атрофида қандай ўтириш керак?
3. Нима учун овқатни яхшилаб чайнаб, шошилмасдан ейиш керак?



3

## Фикрлашайлык.



Ушбу расмлар асосида дўстингиз билан тўғри овқатланиш гигиенаси ва тартиби ҳақида фикрлашинг.



4

## Ёзамиз.

Тўғри овқатланиш тартиби ҳақида 4 та гап ёзинг.

**ястланиб  
ҳазм  
бўлади  
тиралмас-  
лик**

**Рефлексия: «Мевалар сұхбати» усули**  
**Тушунарсиз... Саволим бор... Қизиқарли...**





1

Тинглаймиз.

### Ҳаммадан кучли

Эрта тонгда Қаримжон  
Туриб ҳар куни,  
Түйиб-түйиб ҳидлайди  
Гуллар атрини.  
Эринмасдан югурап  
Қирлардан оша.  
Қуёш чиқмай қишлоғин  
Қилиб томоша.  
Ҳар эрта кеч үйнайди  
Чиқиб турникка.  
Түйиб-түйиб ҳар тонгдан  
Олади нафас,



Шунинг учун бир ерим  
Оғрийди демас.  
Ҳар куни машқ қилади  
Ёзіб қулочин,  
Совуқ сувга ювади  
Бет-қўлин, сочин.  
Спорт билан шуғулланиш  
Асосий бурчи,  
Шунинг учун Каримжон  
Ҳаммадан кучли.

*Анвар Қурбон*



Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Каримжон қандай бола?
2. Унинг соғлом юришига нималар ёрдам беради деб ўйлайсиз?
3. Нима учун Каримжонни “Ҳаммадан кучли” деб айтилган?



Ўйланг, изланг ва ёзинг.

“Спорт – соғлик гарови” мавзусида дўстингиз билан постер тузинг.

гуллар  
атрини  
турник  
ёзіб қулочин

- ✓ ўқитувчи ёрдамида шеърдаги воқеанинг муқаддимаси, ривожи ва хотимасини аниқлашни;
- ✓ дўстимиз билан спорт ҳақида постер тузишни;
- ✓ шеърни ифодали ўқишини ўргандик.





Тинглаймиз.

### Тишларни парваришилаш

Тиш одамга бутун умр хизмат қилади, шунинг учун уни асраш, парвариши қилиш керак. У парвариши қилинмаса, чирий бошлайди. Устини қоплаб турган эмаль қаватида ёриқ пайдо бўлади. У аста-секин катталашади. Кейин унга овқат қолдиқлари кириб қолиб, парчаланади, эмални емириб, тишни ишдан чиқаради. Шунинг учун тиш оғрийди. Оғриқ тиш билан овқат яхши чайналмайди ва ошқозонда яхши ҳазм бўлмайди. Шунинг учун тиши оғриб турадиган одамлар касалликка тез чалинади.

Тиш соғлом бўлиши учун суяқ тозаламаслик, ёнғоқ чақмаслик керак. Хўл мева ва сабзавотларни



хомлигича ейиш тиш учун жуда фойдали. Улар тишни тозалайди ва милкни мустаҳкамлайди. Овқат еб бўлгандан кейин оғизни илиқ сув билан чайиб ташлаш керак. Тишни ҳар куни ювиш керак. Уйқуга ётишдан олдин тишни ювиш айниқса муҳим, чунки тишлар орасига кириб қолган овқат қолдиқлари кечаси билан парчаланиб, уни бузади.



2

### Ўйлайлик ва сўзлайлик.

1. Нима учун тишни асраш керак?
2. Тиш оғришига нималар сабаб бўлади?
3. Нима учун уйқуга ётишдан олдин тишни тозалаш керак?



3

### Ёзамиз.

Сиз ҳам юқоридаги қоидаларга амал қиласизми? Далилингизни ёзинг.



4

### Ўқиймиз ва амал қилайлик.

Танани ва кийим-бошни, ейиладиган овқатни, нафас олинадиган ҳавони озода тутиш – бу гигиена.

Гигиена қоидаларига риоя қилиш зарур. Улар соғлигингиз сақланишига ёрдам беради. Булардан ташқари, озода юриш қандай яхши.

парвариш  
эмаль қавати  
емириб  
парчаланиб

Рефлексия: «Хазиналар ороли» усули





1

Келинг, сұхбатлашайлик.



2

Ифодали ўқиймиз.

### Оппоқ қор

Олам бети оппоқ қор,  
Кор ёғади изма-из.  
Қани, чиқинг, болалар,  
Биз қорбобо ясаймиз!  
Кимки бўлса довюрак,  
Қўл кўтарсин, сўрасин.  
Тутқазамиз белкурак,  
Йўлакларни курасин.

Хазинангни оч, осмон,  
Ерга момик қўрпа ёп!  
Авжига минсин қорбўрон,  
Оқ кийинсин чор-атроф!  
Қор ҳикматин биламиз,  
Ёғаверсин оппоқ қор.  
Қанча ёғса, даламиз  
Шунча бўлар, ҳосилдор!

*Наримжон Орифжонов*






3

Расмларга қараб қишки спорт үйинлари ҳақида дўстингиз билан савол-жавоб ўтказинг. Ўзингиз ёқтирган спорт тури ҳақида сўзлаб беринг.

Спортчилар қандай хусусиятга эга бўлиши керак деб ўйлайсиз?



Қишки спорт үйинлари номини дафтарингизга ёзинг.

довюрак  
 момиқ  
 чор-атроф

Рефлексия: «Архивиатор 3, 2, 1» усули  
Дарсда менга ёқсан 3 нарса: ...  
Фойдалана оламан 2 нарса: ...  
Ўйланишга мажбур қилган 1 нарса: ...



## Тансиҳатлик – туман бойлик (Эртак)

Ўтган замонда бир қашшоқ одам донишманд чолнинг олдига келиб:

– Ота, ейишга ноним, кийишга кийимим йўқ, жуда қийналдим, нима қилишимни билмай қолдим. Энди қаерга бориб дод десам экан? – дебди.

Чол:

– Сен камбағалмисан? – деса, у:  
– Ҳа, бола-чақаларим ва ўзим очман, кийим-кечагимиз йўқ, – деб ниҳоятда зорланибди.

Чол:

– Хўп, бўлмаса менга ўнг қўлингни сот, неча пул берай? – деса ҳалиги йигит:

– Йўқ, ўнг қўлим ўзимга керак, сотмайман, – дебди.

Шунда чол:

– Бўлмаса ўнг кўзингни сот, – дебди.

Йигит:

– Нега мен ўнг кўзимни сотар эканман, у менга доимо керак, – дебди.

Чол шу тарзда йигитга “Тана аъзоларингни бирмабир сотгин”, деб айтиб чиқибди.

Йигит “йўқ” жавобини қайтаравергач, чол йигитга:

– Ҳа, бутун мучанг соғ бўлса, турмушдан зорланиб нима қиласан? Кишининг тани жони соғлиги – туман бойлиги-ку. “Соғ



танда – соғлом ақл”, – деб бекорга айтмаганлар. Соғ бўлганингда қандай иш бажарсанг ҳам уддасидан чиқасан. Кунинг ҳам барокатли ўтади, – деб жавоб қайтарган экан.



2

### Ўйлайлик, сұхбатлашайлик.

1. Эртакдан қандай хулоса чиқардингиз?
2. Инсон яшаши учун нима қилиши керак деб ўйлайсиз?
3. Эртакни сақналаштиринг.



2

### Ўйлайлик, сұхбатлашайлик.

Тана аъзоларига нималар киради? Номларини ёзинг.

**Билиб олинг!**

#### Эртак нима?

Эртакни халқимиз ўз ҳаёти давомида яратади. Улар оғиздан оғизга кўчиб юради. У баъзан тўқиб айтилади, баъзан уйдирмаларга асосланади. Баъзида сеҳрли саргузаштлар бўлиши мумкин. Улар қундалик турмуш мазмунига ҳам эга бўлади.

тансиҳатлик  
қашшоқ  
донишманд  
зорланибди  
мучанг  
уддасидан  
чиқсан  
барокатли

#### Рефлексия: «Асосий З нарса» усули

Бугун биз ... ўргандик;

Бугун биз ... яхши бажардик;

Биз ... ҳақида кўпроқ билгимиз  
келади.





1

Келинг сұхбатлашайлик.

1. Спортнинг қайси турига қизиқасиз? Нима учун?
2. Дүстингиз билан сұхбатлашинг.



2

Үқиймиз.

Шеърни ифодали үқинг.

### Полвонман

Полвонман-о, полвонман  
Қучли деб ном олганман.  
Билакларимни қаранг,  
Мушакларим тап-таранг.

Спортнинг қадрин билиб  
Чиниққанман машқ қилиб.  
Қўкраги нақ қалқонман,  
Паҳлавонман, паҳлавон.

Ишлатмайман ҳеч фириб,  
Рақибимга чил бераб  
Елкамдан тез ошириб,  
Қўядирман шошилиб.

Мардлар ҳалол курашар  
Кураш менга ярашар,  
Жасур, ботир юрагим,  
Ерга тегмас курагим.

*Қамбар Ота*





## Савол биздан, жавоб сиздан.

- Шеър ким ҳақида әкан?
- Полвон бўлиш учун нима қилиш керак?
- Сиз спорт билан шуғулланасизми?



**Изланамиз, ёзамиз.**

Қозогистонлик дунёга машҳур қайси спортчиларни биласиз?

Жадвални тўлдиринг.

Ислам-шарифи	Спорт тури



**Матнни ўқинг. Мазмунини сўзлаб беринг.**

### Кураш

Кураш – спорт тури, белгиланган қоидага мувофиқ икки спортчининг яккама-якка олишуви. Курашиш санъати кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум. Миллий Курашнинг хилма-хил кўринишлари Қозогистон, Греция, Италия, Япония, Туркия, Эрон, Афғонистон, Россия, Ўзбекистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

мушакларим  
қалқонман  
фириб  
рақибимга



### Рефлексия: «Қуёш, булут»



Ўргандим, қўллай оламан	Тўлиқ ту- шунмадим, саволим бор	Тушунма- дим, билгим келади
-------------------------------	---------------------------------------	-----------------------------------



# **Урғ-одатлар ва халқ оғзаки ижоди**





1

Ўқиимиз.

### Ассалому алайкум

Одамлар, ҳой, одамлар  
Катта-кичик қадамлар.  
Ҳамма қайга шошади,  
Дарё каби тошади.

Учрашиб дўстим Малик,  
Қилишдик салом-алик.  
Кўришдик калом билан,  
Хурмат эҳтиром билан.

Баъзилар қучоқлашар,  
Бола-чақа сўрашар.  
Дуч келсангиз мабодо,  
Кексалари дуода.

Салом берсам бир холам  
Деди: “Кўп яша болам,  
Кам бўлмагин дунёда,  
Умринг бўлсин зиёда”.

*Анвар Қурбон*



Ўйлайлик ва топайлик.

- “Ассалому алайкум” сўзининг маъносини биласизми?
- Дўстингиз билан фикр алмашинг.





3

**“Ассалому алайкум” сўзи бошқа тилларда қандай айтилишини айтинг ва дафтарингизга ёзинг.**



4

**Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.**

Айтар сўзни айт,  
Айтмас сўздан қайт.

Кўп билган оз сўзлар,  
Оз сўзласа ҳам соз сўзлар.

Ёмон гап – тарсакидан ёмон.

## Билиб олинг!

**Мақоллар халқ оғзаки ижодига киради. Одамлар ҳаётда кўрган-кечирганлари асосида мақолларни яратадилар. Мақоллар кичик ҳажмда бўлиб, панд-насиҳат мазмунини ифодалайди.**

эҳтиром  
дуода  
зиёда

**Рефлексия: «Менинг далилларим» усули**

Мен

Билдим ...  
Эсда сақлаб қолдим ...  
Фойдалана оламан ...  
Ёза оламан





Ҳикояни ифодали ўқинг.

### Таъзим

Ҳассасини дўқиллатиб келаётган Қосим бобо болалар тўп ўйнаётган майдончада бироз тўхтаб қолди. У оппоқ соқолини силаб, кичкинтойларнинг терлаб-пишиб чопаётганига ҳавасланиб қараб турди. Шу пайт тўп тепаётган болалардан бирининг апил-тапил нон еяётганини кўрди. Уч-тўрт ушоқ тушганида, унинг ўсиқ, оппоқ қошлари чимирилди.

Зокир Фарҳоднинг овозини эшитиб, таққа тўхтади. Фарҳод унга Қосим бобони кўрсатди. Ҳаммалари Қосим бобони ўраб олишди.

- Нима қиляпсиз, бобожон? – деди Зокир ачиниб.
  - Бирор нарсангизни йўқотдингизми?
- Бобо Зокирга қараб кулиб қўйди.
- Ҳеч нима йўқотганим йўқ, бўтам. Нон увоқларини теряпман...

Зокир жон ҳолатда бўйини ичига тортиб, қўлида қолган бир тишлам нонни орқасига бекитган эди, Фарҳоднинг жаҳли чиқди.

– Ўйнаётганда ҳам нон ейдими, одам! – деди худди катталардек. – Нонни уйда ўтириб ейиш керак.

Зокирнинг қулоқларигача қизариб кетди:

- Бобожон, сиз... эгилманг, ушоқларни... ўзим териб оламан.

Бобо жилмайиб қўйди.

– Эгилаётганим йўқ, бўтам, мен нон увоқларига таъзим қилаяпман. Ахир нон қанча одамларнинг



мехнати, пешана тери билан бунёд бўлган... Мен ўша одамларга раҳмат айтиб, таъзим қиласяпман.

Бобонинг бу гапидан болалар таъсирланиб кетишиди, ердан ушоқ қидира бошлиашди...

*Тўлқин Расулов*



2

Мақолни ўқинг, мазмунини ҳикоя мазмунига боғлаб тушунтиринг.

Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон.

чилирилди  
нон увоқлари  
бўтам  
пешона тери<sup>1</sup>  
бунёд бўлган

**Рефлексия: «Рефлексия экрани»**

Мен топшириқни бажардим ...  
Мен тушундим ...  
Мен бажара оламан ...  
Мен ўргандим ...





1

Үқиймиз ва ёдлаймиз.

### Нон ҳақида

Нон ҳақида ўйласам,  
Ўйим тамом бўлмайди.  
Сиз ҳам ўйланг, болалар,  
Лекин ёмон бўлмайди.

Оқми, қора, нон бўлсин,  
Майли эски қотгани.

Вақти келса топилмас,  
Унинг ерда ётгани.

Кекса-ю ёш шу нон деб,  
Тер тўкишар, ўйласак.  
Ким нима дер, биз уни  
Эъзозламай, ўйнасак?!

Унинг ҳар ушоғи ҳам  
Нон, ҳеч тўкиб-сочмайлик.  
Нон – тириклик, нон – ҳаёт,  
Туганмас баҳт ва бойлик!

*Толиб Йўлдошев*



2

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Нонни нима учун эъзозлаймиз?
2. Нон ҳақида қандай шеър ва қўшиқларни биласиз?



3

Ёзамиз.

Ноннинг қандай турларини биласиз?  
Номларини ёзинг.





4

**Биласизми? Бу қизик!**

## **Буханка нон қачон кашф этилганини биласизми?**



Тарихий манбаларга күра, нон бундан етти минг беш юз йил аввал кашф этилган. Бириңчи буханка нонни қадимий мисрлик ўзига хос тарзда ясашган. Бир одам ун ва сув аралашмасини иссиқ пек устида қолдириб кетган. У қайтиб келганида эса майин хамир жуда ажойиб егуликка айланиб қолғанди. Шундан сўнг мисрликлар қаттиқ қулча нон ўрнига юмшоқ буханка нон тайёрлашга ўтиб кетишган.



5

**Расмлар асосида нон тайёр бўлгунинга қадар  
кимлар меҳнат қилиши ҳақида сўзлаб беринг.**



**зувала  
ушоқ  
таъзим  
бебаҳо**

### **Рефлексия: «Билимлар дарахти»**

- Бугун мен билдим...
- Қизиқарли бўлди...
- Қийин бўлди...





Ҳикояни тез ўқинг. Бир минут ичида нечта сўз ўқидингиз? Ҳисобланг.

## Яхши фазилат

Якшанба куни эди. Зарифжон онаси Назокат опа билан кинога кетаётган эдилар. Уларнинг ёнидан ўрта ёшлардаги бир аёл ўтиб кетди. У чўнтағидан рўмолчасини олган эди, бир сўм пули ерга тушди. Аёл сезмади. Назокат опа дарҳол ердан пулни олди:

– Ҳой опа, – деб аёлни чақирди ва пулингиз тушиб қолибди, – деб пулни эгасига берди.

Хотин пулни олиб, миннатдорлик билдира-бильдира йўлида давом этди.

– Ойи, анави хотин пули тушиб қолганини кўрмаган эди-ку! Нега бердингиз? – деди ҳайрон бўлиб Зарифжон.

Шунда онаси қуийдаги воқеани сўзлаб берди:

Бир куни уйимизга тўсатдан меҳмон келиб қолди. Майда – чуйда олиб келгани дўконга бордим. Қарасам ёнимда пулим йўқ. Уйдан пул олиб чиқсан эдим. Уни йўлда тушириб қўйибман. Кайфиятим учуб, югуриб кўчага чиқдим. Хайрият, бир кексароқ аёл топиб олган экан.

– Ҳой чирофим, пулингиз тушиб қолибди, – деб пулимни берди. Қампирга ҳалоллиги учун мингминг раҳмат айтдим. Шунда қанчалик хурсанд бўлганимни билсанг эди! Борди-ю, пулимни топиб олган одам қайтариб бермаганда нима бўлар эди?

Ёмон бўлар эди, – деди Зарифжон ўйланиб туриб.



Ха, ана. Ҳалиги аёлга пулни қайтариб бермаганимизда, у ҳам, менинг аҳволимга тушар эди. Ҳалоллик – кишининг энг яхши фазилати, болам.

*Нурмат Мақсудийдан*



2

## Сўзлашайлик.

1. Якшанба куни қандай воқеа юз берди?
2. Нима учун Назокат опа уйига меҳмон келганини эслаб қолди?
3. Шу ҳикояси билан ёзувчи нима демоқчи? Буни Назокат опанинг қайси гапидан билиб оламиз?
4. Ҳикоя қаҳрамонларини таърифланг.



3

## Мақолларнинг мазмунини тушунтиринг.

Ҳалол меҳнат – ерда қолмас.

Ҳалол иш – лаззатли емиш.

Ҳалол пишиб чиқар,  
Ҳаром тешиб чиқар.

дарҳол  
ҳалоллик  
ҳаром  
лаззатли

- ✓ Вақт асосида тез ўқиши;
- ✓ асар мазмуни бўйича саволларга тўлиқ жавоб беришни;
- ✓ ҳалоллик ҳақида мақолларни билиб олдик.



1

Топишмоқларни ўқинг ва жавобларини ёзинг.

“Шарқ”дан бош күтәрар,  
Хар тонг соғинар бизни.  
Күрмасак туролмаймиз,  
Олов юзли қирмизни.



Осмондан нур тушади,  
Пар әмас зар тушади.



Тойим бор, кишиңайди,  
Кишиңинг куни ишлайди.



Күйлаги жуда юпқа,  
Үхшайди рангдор түпга.  
Байрам бўлса, қийнаймиз  
Боғлаб уларни ипга.



2

Тез айтишларни тез-тез ўқинг.

Киша қатиқ қаттиқ қотиб қолибди.

Товуқ совуқда совқотадими?  
Совуқда товуқ совқотадими?

Қўш қўлқоп, қўшови ҳам бўш қўлқоп.



3

Қүйидаги расмларга оид топишмоқлар топиб айтинг.



4

Үзингиз билган тез айтишни дўстларингизга айтиб беринг.



5

Ўқиймиз.

Шеърни ифодали ўқинг.

## Ёмғиржон

Ёмғир, ёмғир, ёмғиржон,  
Ёғ, ёғ.

Ола говмуш сигирни  
Соғ, соғ.

Деҳқон бувам димоги  
Чоғ, чоғ,  
Бўлар ҳосил хирмони  
Тоғ, тоғ.



*Rauф Толиб*

шарқдан  
қирмизи  
қўшови  
ҳилол

Рефлексия: «Муваффақиятли зинапоячалар»





1

Мақолларни ўқинг.

Ватан қадрини билмаган,  
Үз қадрини билмас.

Бирликсиз күч бўлмас.

Билимдан ортиқ бойлик йўқ.

Соғлигинг – бойлигинг.

Гап билан шошма,  
Иш билан шош.

Тил – ақл безаги  
Яхши сўз болдан ширин.



2

Ўқинг. Дўйстларингиз билан биргаликда айтинг.

### Ола-була капалак

(Айтишма ўйинлар)

Ола-була капалак,  
Орқа сочим жамалак.  
Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак?  
– Хайри қизалоқ керак!  
Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак?



- Сайраб турган дил керак!
- Дилларни қайси бири?
- Гуландомдир ўткири.



3

Қўшиқни тингланг ва қуйланг.

## Оқ теракми, кўк терак

Оқ теракми, кўк терак,  
Болаларга не керак?  
Қўлига яхши китоб  
Ва яхши одоб керак.

Оқ теракми, кўк терак,  
Оналарга не керак?  
Ҳар соҳада билимдон  
Оқил болалар керак.

Оқ теракми, кўк терак,  
Ватан учун ким керак?  
Уни жондан севгувчи  
Фидойи фарзанд керак.

*Дилдорахон И момалиевава*



4

Сиз қандай халқ қўшиқларини биласиз?

Ўртоқларингиз билан қандай ўйинлар ўйнайсиз?

бол  
жамалак  
мўри  
хайрли

- ✓ мақоллар мазмунини сўзлашни;
- ✓ халқ қўшиқларининг асосий гоясини ўргандик.





## Нега дўст бўлишолмас

Қалдирғоч айвон шипига уя қуриш учун лой олгани ариқ лабига борибди. Ўт-ўланлар орасидан узун илон ўрмалаб чиқиб қолибди-да, вишиллаб:

– Ассалому алайкум, қора қош, қора соч қалдирғоч! Сув ичгани келдингми? – деб сўрабди.

– Йўқ. Уя қуряпман. Лой олгани келдим. Нима ишинг бор эди, нега сўраб қолдинг? – дебди қалдирғоч.

– Кел, иккаламиз дўст бўламиз. Қаерга уя қураётганингни менга кўрсатсанг, сенга ёрдамлашиб юбораман, – дебди илон яна вишиллаб.

– Йўқ, мен сен билан дўст бўла олмайман, чунки одатингни яхши биламан.

– Сен дўстлашишни истамасанг, менга ёрдам бер. Мени бирон танишинг билан дўстлаштириб қўй. Бир ўзим зерикиб қолдим, – ялинибди илон.

Қалдирғоч учиб кетибди-да, салдан кейин типратиканни бошлаб келибди. Илон типратиканни кўриши билан қочиб, бир тешикка кириб кетибди. Қалдирғоч тешик ёнига келиб:

– Ҳой илон, буёққа чиқ, сени дўстим типратикан билан таништириб қўяман – дебди.

Илон тешикдан бош чиқармай:

– Сен ҳеч маҳал илоннинг типратикан билан дўст бўлганини кўрганмисан?! – дебди.

– Бўлмаса нега қалдирғочга дўст бўлишни таклиф қилдинг? – сўради типратикан тешикдан мўралаб.



Илон жавоб беролмабди. Типратикан жаҳл билан:  
— Шошмай тур, ҳали қўлимга тушсанг, адабингни  
бераман, — дебди.

Собит Фофуров



2

### Ўйлаб кўринг.

Яна нима учун сичқон мушук билан, асалари айик билан, чумчук чигиртка билан, қуён бўри билан, товуқ тулки билан дўст бўла олмаслигининг сабабини биласизми?



3

Эртак мазмуни бўйича расм чизинг ва изоҳлаб беринг.

шишига  
мўралаб  
адабингни

Рефлексия: «БББ » усули

Биламан	Билдим	Билгим келади





1

Үқиимиз.


Ривоятни ифодали үқинг.

## Она алласи

(*Ривоят*)

Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. У бир куни мамлакатдаги барча қўшиқчиларни чакирибди. Уларга навбатма-навбат куйлашни буюрибди. Қимнинг қўшиғи ёқмаса, уни қаттиқ жазолабди. Ах ийри бир кекса онахонни келтирибдилар. У кўзларини юмиб, бир ажиб қўшиқ – алла бошлабди.

Шоҳ эса қўшиқни эшитиб, юм-юм йиғлабди. Чунки бу аллада халқнинг орзу-армонлари баён этилган экан:



Сенга қўйдим яхши от, алла,  
Яхши ниятдир мурод, алла.  
Юрт-у элга суюнсанг, алла,  
Сенга бўлғуси қанот, алла.



2

Сўзлашайлик.

Подшоҳ қўшиқчиларга нимани буюрди?  
Онахон қандай қўшиқ куйлабди?  
Нима учун подшоҳ йиғлабди?





3

### Тинглаймиз.

1. “Алла” қўшиғини тингланг.
2. Кўшиқ сизга қандай таъсир қилди?
3. Бошқа халқларнинг аллаларини ҳам тингланмисиз?
4. Ўзингиз ҳам алла айта оласизми?



4

### Шеърни ифодали ўқинг.

## Наргизанинг совғаси

Тикдим шоҳи  
Рўмолча –  
Тўрт бурчида  
Гулғунча,  
Ўртасида  
Барқ уриб  
Қуёш порлар,  
Кулганча.

Эрта Байрам:  
Шодлигим –  
Сифмаётир  
Оlamга.  
Уни совға  
Этаман –  
Меҳри қуёш  
Онамга!

*Умарали Қурбонов*

ажиб  
баён  
ривоят

### Рефлексия: «5 бармоқ» усули

1. Менинг кайфиятим ...
2. Мақсадга эришдим ...
3. Янгиликлардан хабардор бўлдим ...
4. Хатога йўл қўйдим ...
5. Менга ёрдам керак ...





1

Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.



2

Тинглаймиз ва ўйнайлик.

### “Қарсак” ўйини

Ўйинда сакқизта қызың қатор тизилиб туради. Улар “Лилича, лолача”, “Лолача, лилича” деб чеклашибади. “Лилича” деганлар ажраладилар. Ўртага чизик чизилади. Тарафлар чизикнинг икки томонига бир-бирига қараб яқын ўтирадилар. Ҳар ким ўз қаршисидагининг кафтига уриб, қарсак чалиб, шундай куйлай бошлайди:

Қарсагим қарсак  
Боғларга борсак  
Ўйнасак, кулсак  
Тақ, тук,  
Тасаддуқ!

“Тасаддуқ!” дейишлиши биланоқ ҳамма қўлини кўтариб рўпарасидагига бошини қимирлатмай, киприк қоқмай қараб туриши керак. Агар қайси



тарафнинг аъзоси киприк қоқса ёки қулиб юборса, ўша тараф ютқизган ҳисобланади. Ютқизган тараф ҳар бир аъзоси шеър айтиши, ёки қўшиқ куйлаши, ёки ўйнаб бериши шарт.



3

### Ўқиймиз.

Бир, икки... ўн икки,  
Ўн икки деб ким айтди?  
Ўн икки деб мен айтдим,  
Ишонмасанг санаб боқ:  
Бирим – билак,  
Икким – элак,  
Учим – ичак,  
Тўртим – терак,  
Бешим – бешик,  
Олтим – олганим,  
Еттим – етганим,  
Саккизим – жонон қизим,  
Тўққизим – қизилюзим,  
Ўним – ишимдаги унум,  
Ўн бирим – айтилмаган сирим,  
Ўн икким – чиқа тур сан икким!

1. Санамани дўстингиз билан ўйнаб айтинг.
2. Сиз қандай санамаларни биласиз?

чеклашиб  
киприк  
қоқмай

- ✓ Расмда тасвирланган қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни қиёслашни;
- ✓ халқ ўйинлари, санамалар ҳақида билиб олдик.





# Атрофимиздаги олам





1

Расмларга қараб об-ҳаво ҳақида сўзлаб беринг.



2

Ўқиймиз.

## Баҳор

Баҳор келди элимга,  
Боғлар кийди зар кимхоб.  
Бизга олтин нурини  
Ёғдирар тағин офтоб.  
Баҳор келиб қирларга  
Йироқларга хўп боқди.  
Дала-ю адирларга  
Хушбўй чечагин тақди.  
Адирларнинг лабида  
Гунафшалар шўх кулар.  
Қувноқ қизлар қалбида  
Завқлари чапак чалар.  
Гулбаҳорни қаршилаб,  
Сувлар оқар чалиб соз.  
Қалдирғочлар олқишлиб,



Кўкда этишар парвоз.  
Хуш келибсан, эй, кўклам.  
Қаршилар сени олам.

*Абдулхай Носиров*



Шеърда баҳорнинг қандай белгилари тасвирланган?

1. Баҳорда табиатда қандай ўзгаришлар бўлади?
2. Улар хақида нималар биласиз?



Шеър мазмунига мос жадвалдан фойдаланиб топшириқни бажаринг.

Сўзлар	Таърифланг	Расмини чизинг
Баҳор		
Офтоб		
Қушлар		
Гуллар		



Мақолларни ўқинг ва ёдлаб олинг.

Сув келди – нур келди.

Эрта эккан хирмон қилур,  
Кеч эккан армон қилур.

кимхоб  
чапак  
хирмон  
армон

#### Рефлексия: «Ақлли укки»

Тўлиқ тушундим	Тўлиқ тушунмадим	Тушунмадим





Ўқиймиз.

## Табиатнинг неъмати кўп

(Ўзбек халқ эртаги)

Бор экан-да йўқ экан, бир эшак бўлган экан. У ўзини жуда ақлли деб билар экан. Қунларнинг бирида у бокқа кирибди. Қараса, дaraohтларда мевалар, полизда қовоқларга қараб диққат бўлибди. Шалпанг қулоқларини қимиirlатиб:

– Табиатнинг ҳамма иши яхши, лекин баъзи нарсаларни бошқачароқ яратиши керак эди-да – дебди.

Шунда дaraohт шохидা ўтирган чумчук:

– Қани айт-чи, сенга буларнинг нимаси ёқмади?  
– деб сўрабди.

– Кўрмаяпсанми? – дебди эшак олма ва қовоқларга имо қилиб. – Шундай дaraohтнинг солган мевасини қара, бола муштидан ҳам кичик. Энди анави қовоқларни қара калламдай келади.

– Бор ҳикмат шунда-да, – дебди чумчуқ.

– Бунда ҳикмат нима қилсин? Олмалар қовоқдек, қовоқлар олмадек бўлса, тузук бўларди-да, – дебди эшак.

Шундай деб эшак олма дaraohтига сурканган экан, битта олма узилиб, “тап” этиб бошига тушибди.

– Вой, бошим ёрила ёзди-ку, – дебди эшак бошини ушлаб.

– Яхшиямки олма қовоқдек эмас, бўлмаса миянгнинг қатифини чиқариб юборарди, – дебди чумчуқ кулиб.



– Рост айтдинг, оғайни! – дебди эшак ва олма дарахти тагидан нари кетибди.



2

Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Эртакдаги воқеа қайси фаслда ва қаерда содир бўлган?

2. Эртакни ўқиб қандай хулосага келдингиз?



3

Эртакни дўстларингиз билан саҳналаштиринг.



4

Мақолни ўқиб мазмунини тушуниринг.

Ақлли дўст – роҳат,  
Ақлсиз дўст – офат.

миямнинг  
қатигини  
диққат  
бўлибди

✓ эртак қаҳрамонларига тўғри баҳо  
беришни;  
✓ эртак асосида саҳна тайёрлашни  
ўргандик.






1

Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

- Расмларга қараб об-ҳаво қандайлигини айтинг.
- Қайси об-ҳаво сизга ёқади? Нима учун?
- Об-ҳаво ҳақидағи далилларингизни 2 та гап орқали ёзинг.



2

Ўқиймиз.

### Ёмғир

Ёмғир, ёмғир, ёмғиржон,  
Беҳисоб ёқут маржон,  
Шитирлаб не сўзлайсан,  
Қай манзилни кўзлайсан?  
– Орзум: боғлар яшасин,  
Учиб қўнсин капалак  
Тўқликка нишон бўлиб,  
Товлансин ёй-камалак.  
Кўй-кўзилар ўтлоқда,  
Сузишиб юрсин, майли.



Тулпор отлар кишинасин,  
Барра ўтим туфайли.  
Шуларни ўйлаб кўқдан,  
Ер юзига энаман.  
Ризқ-у рўз улашувчи,  
Билсанг, ғамхўр онаман!

Ўроқ Сайдов



### Фикрлашайлик.

1. Шеър нима ҳақида?
2. Шеър кимнинг номидан айтилган?
3. Ёмғир табиатга қандай таъсир қиласр экан?
4. Шеърнинг охирги бандини ўқиб, мазмунини тушуниринг.



### Об-ҳаво даракчиларини текшириб кўринг.

1. Күшлар пастлаб учса, ёмғир ёғади.
2. Эрталаб камалак кўринса – ёмғир ёғади, кечқурун кўринса ҳаво очиқ бўлади.
3. Кечқурун қалин шудринг тушса – эртаси куни ҳаво очиқ, серқуёш бўлади.



### Топишмоқ жавобини топинг ва ёзинг.

Оқиб келар шилдираб, ойнадайин ялтираб.

ёқут маржон  
барра  
энаман  
шудринг  
серқуёш

### Рефлексия: «Иссик ўриндиқ»



## БИРНИ КЕССАНГ, ЎННИ ЭК!



1

Расмларга қараб баҳорги ишлар ҳақида сўзлаб беринг.



2

Ўқиймиз.

### Кўчат ўтқаз!

Турли-турли ниҳолга  
Боғимиз тўлсин десанг,  
Шарбат тўла мевалар  
Яна мўл бўлсин десанг,  
Кўчат ўтқаз!

Ёшлигингнинг энг азиз –  
Қимматли дамларида,  
Гул унсин десанг агар –  
Босган қадамларингда –  
Кўчат ўтқаз!

Дўстларинг ҳавас билан  
Сендан олсинлар ўрнак.  
Ҳар ғунча ёшлигингдан –  
Берсинлар десанг дарак  
Кўчат ўтқаз!

*Сафар Барноев*



3

### Сўзлашайлик.

1. Шеър нима ҳақида?
2. Нима учун кўчат ўтқазиш керак?
3. Сиз ҳовлингизга, мактаб боғига кўчат ўтқазишида қатнашганмисиз?
4. Шеърни ёд олинг.



4

### Фикрлашайлик.

Расмларни кузатинг. Болаларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.



ниҳол  
қимматли  
дамлари  
ўрнак

- ✓ ўз фикримизни таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда етказиши;
- ✓ асар қаҳрамонининг ташқи кўринишини тасвирлаш, феъл-атвори ва хатти-ҳаракатларини баҳолашни;
- ✓ шеърни ифодали ўқишини ўргандик.





Ўқиймиз.

## Қүёш бобо нурлари (Эртак)

Бир ўрмонда олмахон, қуён, айиқ полвон ва асалари аҳил яшашар экан. Аммо ҳар куни эрталаб уларни нима уйғотиб юборишини билолмай баҳслашр эканлар.

Бири:

- Хўрзанинг қичқирганидан уйғонсак керак — деса, иккинчиси:
- Булбул сайраб уйғотади, — дер, учинчиси эса:
- Эрталаб ғир-ғир шабада эсади, мен шундан уйғонман, — деб ўйлар экан.

Лекин бу ҳолнинг қандай содир бўлишини билмас эканлар.

Кунлардан бир куни тонг ёришибди. Қүёш бобо тоғлар орасидан секин ўрмонга мўралабди. Асаларилар инларида маза қилиб ухлаб ётишган экан. У биринчи бўлиб нурини асаларилар инига сочибди. Улар уйғониб, шарбат йиғишга шошилиб қолишибди.

Кейин нурини олмахон инига сочибди.

— Вой, бунча ёруғ бўлиб кетди, ҳаво шундай тозаки, — деб севиниб, бутоқдан-бутоққа сакраб, олмахон ўртоқларини тонг билан қутлабди.

Қүёш бобо мамнун бўлиб нурини қуёнчанинг инига сочибди. Шунда қуёнча сакраб-сакраб ўтлоқда ўйинга тушибди. Сўнг нонушта учун ўт, сабзи хозирлабди.

Қүёш бобо қараса, айиқполвон ҳали ҳам “пишиш” қилиб ухлаб ётган экан, уни ҳам ўз нурларини

сошиб уйғотиб юборибди. Айиқ қараса, ўрмондаги дўстлари аллақачон уйғониб, бири нонушта қиляпти, бири эса ўйнаяпти.

У ҳам дарров ювинибди, дўстларига салом берибди. Ҳаммалари учун янги кун бошланибди, лекин улар ҳали ҳам тонгда уларни нима уйғотишини билолмай ҳар куни баҳслашар эканлар.



2

### Сұхбатлашайлик.

1. Эртак нима ҳақида экан?
2. Қайси ҳайвонлар баҳслашар экан?
3. Сизнингча уларни нима уйғотарди?



3

### Ёйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

- Қуёшнинг ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар учун қандай фойдаси борлигини гуруҳда таҳлил қилинг ва жадвални тўлдиринг.

Қуёш

Одамлар

Ўсимликлар

Ҳайвонлар

мўралабди  
баҳслашар  
екан  
шабада  
сахий

- ✓ Эртак мазмунига мос савол-жавоб ўтказишни;
- ✓ жадвал билан ишлашни;
- ✓ таянч сўзлар мазмунини билиб олдик.





1

Ўқиймиз.

### Кўклам сеп ёйди

Кўклам ёйди сепини  
 Шаҳару қишлоқларга,  
 Гуллади ўрик, бодом,  
 Чирой берди боғларга.  
 Мафтун бўлиб ўлкамга,  
 Учиб келди турна, ғоз,  
 Қувноқ қўшиғимизга  
 Қушлар бўлди жўровоз.  
 Таралар гуллар атри,  
 Осмон мовий хушҳаво.  
 Менинг она Ватаним,  
 Эй, нақадар дилрабо.

*Дўстжон Матжон*

2

Суҳбатлашайлик ва расм чизайлик.

1. Шеър қайси фасл ҳақида?
2. Шеърдаги қушлар ҳақида ёзилган қаторларни топиб ўқинг.
3. Сизнинг ўлкангизга қайси қушлар учиб келди?
4. Шеър мазмунига мос расм чизинг.



3

Мақолни ўқинг ва ёдланг.

Кўклам – меҳнат билан кўркам.



4

## Ўйлайлик ва ўйнайлик.

Болалар, шоир Шукур Саъдулланинг шеърини ўқиимиз. Шеърни ўқиётганда, расмлар ўрнига сўзларни қўйиб, тўғри ва тез ўқинг.

Келди баҳор,  баҳор,

Эриб битди оппоқ қор.



Учиб келди  ларжон,

 лар тақди маржон.

Сувлар оқар шилдираб,

 боқар милтираб.

 лар яйрашар,

 Шўх лар сайрашар.

сеп  
мафтун  
бўлиб  
жўровоз  
мовий  
хуш ҳаво  
дилрабо

- ✓ Шеър мазмунини расм асосида тасвирлашни;
- ✓ таянч сўзларни ўз ўрнида қўллашни;
- ✓ шеърни тез ўқишни ўргандик.





1

## Сұхбатлашайлык.

1. Расмга қараб қайси байрам ҳақида әканлигини айтинг.
2. Бу байрам ҳақида нималар биласиз?



2

## Үқиймиз.

## Наврүзи олам

Наврүз. Кун билан тун teng келган пайт – 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси Янги йил сифатида нишонланади.

Бу байрамга болалардан тортиб бобо-бувилярғача – ҳамма-ҳамма зёр тайёргарлик күради.

Наврүз таомлари – күк сомса, чучвара, наврүз гүжа, сумалак, ҳалимлар пиширилади.

Ариқлар, зовурлар тозаланиб, күчтілар әкилади.  
Далаларга сув чиқариб, әкин-тикин ишлари бошлаб  
юборилади. Хасталар зиёрат қилинади.

Халқимизнинг ҳар қандай киши ҳавас қылса,  
ибрат олса арзигулик удумлари, анъаналари,  
қадриятлари тантана қиласы.

Наврӯз – меңнат, баҳор, меҳр – оқибат байрамидир.



3

### Сұхбатлашайлык.

1. Матндан қандай янгиликтарни билиб олдингиз?
2. Сиз Наврӯз сайлида қатнашғанмисиз?



4

Матн бўйича режа тузинг. Тузган режангиз  
асосида Наврӯз байрами ҳақида сўзлаб беринг.



5

Мақолни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Йилнинг яхши келиши баҳоридан маълум.

ҳалим  
зовур  
хасталар  
удумлар

### Рефлексия: «Пирамида»

Қўллай оламан  
Тушундим  
Билиб олдим  
Тушунарсиз





1

Үқиймиз.

## Табиатни севинг, болалар!

Қандай яхши алвон лолалар,  
 Қандай яхши шабнам далалар,  
 Гулни ўпид қўйинг, болалар!  
 Табиатни севинг, болалар!  
 Қандай яхши ёмғир, жалалар,  
 Боғда учган булбул, саъвалар,  
 Гуллар экиб қўйинг, болалар!  
 Табиатни севинг, болалар!  
 Қандай яхши овлоқ, паналар,  
 Шамол эсиб турган паллалар,  
 Тоғлар кезиб, тўйинг, болалар,  
 Табиатни севинг, болалар!  
 Қандай яхши зумрад шоввалар,  
 Тоғда юрган оҳу болалар,  
 Тонгларга юз чайинг болалар,  
 Табиатни севинг, болалар!

Олқор Дамин



2

Келинг, куйлайлик.

1. Шеър сизга ёқдими?
2. Ўзингиз ёқтирган мисраларни овоз чиқариб ўқинг.
3. Ўқитувчингиз ёрдамида шеърни қўшиқ қилиб куйланг.



3

Дүстларингиз билан биргаликда “Табиатни асрайлик!” мавзусида постер тузинг.



4

Изланайлик.

1. Шоир шеърда қандай табиат ҳодисалари ҳақида айтган?
2. Яна қандай табиат ҳодисаларини биласиз?
3. Уларни дафтaringизга ёзинг.



алвон  
шабнам  
овлоқ  
палладар  
зумрад шов-  
валар  
оху болалар

### Рефлексия: «Олма дарахти»



Тушунарли бўлди



Саволим бор



Тушунарсиз

# Саёхам





1

Ўқиймиз.

Шеърни ифодали ўқинг.

## Саёҳат

Қучок очди бор олам  
Қувончларга беландик,  
Она ерни оралаб,  
Томошага чоғландик.  
Оқ рўмолин ёпинган  
Асқар тоққа интилдик.  
Ойдин кўлда тебраниб,  
Шодон қўшиқ куйладик.

Учрашдик биз мардларга  
Далада кўл яратган  
Довюрак оғаларга,  
Дарёларни бураган.  
Биз улардан бўламиз,  
Биз севамиз ҳаётни.  
Кўп-кўп билим оламиз,  
Гуллатамиз диёрни.

*Саги Жиенбаев*





2

### Фикрлашайлик.

- Шеър нима ҳақида?
- Шеър кимнинг номидан ёзилган?
- Шоир табиатни қандай тасвирлаган?



3

Расмларга қараб ўқувчилар қаерга саёҳатга боришимоқчи эканлигини аниқланг.

Сиз қайси жойни танлаган бўлар эдингиз?



4

### Мақол мазмунини тушунтиринг.

Юрган дарё,  
Ўтирган бўйра.

**беландик  
асқар  
ойдин  
бўйра**

- ✓ асар мазмунини таянч сўзлардан фойдаланиб сўзлаб беришни;
- ✓ мақол мазмунини ўз фикримиз орқали тушунтириб беришни;
- ✓ расм асосида қиёслаш ва тақдослашни ўргандик.





Үқиймиз.

## Жайрон боласи

*Хикоя*

Отам қўриқхонада ишлайдилар. Бир куни отам кичкина жайрон боласини уйга олиб келдилар.

— Бугун қизиқ воқеа бўлди, — деб ҳикоя қилдилар отам. — Бирдан ҳаво айниб қаттиқ ёмғир селга айланди. Ўтлаб юрган жайронлар қоялар томон чопиб кетди. Бирордан сўнг сел тинди. Отлардан хабар олай деб пастликка тушсам, ўтлар орасида бир нима ётибди. Қарасам, кичкина жайронча экан. У адашиб қолган бўлса керак, деб ўйладим.

Отам уни қўйнига солиб, уйга олиб келган эканлар. Жайрон боласи бирам чиройлики, ҳаммамиз уни яхши кўриб қолдик. Уни сут бериб боқдик. Жайронча бизга жуда ўрганиб қолди. Бир куни отам:

— Энди уни онасининг олдига қўйишимиз керак,  
— дедилар.

Биз жайронча билан хайрлашдик. Отам уни кўтариб яйловга олиб кетди.

*Васила Пўлатова*





2

## Сўзлашайлик.

1. Ҳикоя нима ҳақида?
2. Жайрон боласининг кўринишини тасвирлаб беринг.
3. Ота қаерда ишлар экан?
4. Қўриқхона ҳақида нималар биласиз?
5. Сиз ҳам ҳайвонларга ғамхўрлик қилганмисиз?



3

## Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

Қозоғистондаги қўриқхоналарда яшовчи ҳайвонлар ҳақидаги расмларни кузатинг. Уларнинг бирортаси ҳақида маълумот тўпланг.



**қўриқхона  
сел  
яйлов  
қоялар**

### Рефлексия: «Бортли журнал»

**Мавзу бўйича  
нима билар  
эдим?**

**Матндан қандай  
янгилик билиб  
олдим?**






1

Сүзлашайлик.

1. Спортчилар қайси спорт тури билан шуғулланишаپты?
2. Спортчи учун қандай фазилатлар зарур деб ўйлайсиз?





2

Үқиимиз.

## У чақон, довюракдир

Рюкзак осиб орқага  
Йўлга чиқибди Озод,  
Унга ҳамроҳ дўстлари:  
Шодмонқул, Мансур,  
Шахзод.  
Баланд қояли тоғлар  
Осмон билан беллашар.

Альпинистлик – бу фақат  
Кучлиларга ярашар.  
Эпчиллик ва чақонлик  
Ҳаммага ҳам керакдир.  
Спортни кимки севса  
У чақон, довюракдир.

*Анвар Қурбон*



3

Аниқлайлик.

1. Шеърда кимлар ҳақида айтилган?
2. Улар қаерга боришли?
3. Табиат тасвирланган қаторларни топиб ўқинг.



4

Шеър мазмуни бўйича “Тоқقا саёҳат” мавзусида постер тайёрланг.



5

Тез айтишни ёдлаб олинг.

Йўлда Йўлдошга йўлбарс йўлиқди.

рюкзак  
ҳамроҳ  
альпинист

### Рефлексия: «Камалак»

Бажара оламан  
Қўллай оламан  
Тушундим  
Билиб олдим  
Саволим бор  
Тушунарсиз





Ўқиймиз.

## Йўлда

Ота, она ва ўғил шаҳарга кетаётган эдилар. Онаси билан отаси отда, бола эшакда.

Дала йўли. Кун исиб кетди. Бола чанқади. Дадасидан сув сўради.

– Чида, ўғлим чида. Шаҳарга тушаверишда булоқ бор. Ўшандан ичасан. Биз ҳам ичамиз. Уловларни ҳам суғорамиз, – дебди отаси.

Бола чидаб, эшакни ҳайдайверибди.

Ҳаво исигандан исиди. Тупроқ йўл устида алланималар жимир-жимир этарди. Тандир оғзидан чиққан ҳовурга ўхшайди. Боланинг сув ичгиси келиб, баттар қийналди. Танглайи қотиб, лаблари бир-бирига ёпишиб қола бошлади. Йиғлаб юборди. Сув сўради.

– Сув йўқ-ку, ўғлим. Кўриб турибсан ўзинг. Демак, чидаш керак. Чидамсиз киши қийинчиликка бардош бера олмайди. “Мен чидамлиман!” деб ўйла. Ўзингни чалғит, атрофни томоша қил, – деб маслаҳат берди отаси.

Улар йўлда давом этишди. Шаҳарга тушаверишда тошлар остидан оқиб чиқаётган булоқ бўйига этишди. Уловлардан тушишди.

Ҳамма хурсанд эди. Ўзлари ҳам булоқдан сув ичдилар. Уловларини ҳам суғоришли, кейин аста йўлга тушишди.

– Қалай энди ўғлим! Чидаса бўлар эканми? – деди отаси.

– Ҳа, одам чидаса бўлар экан. Ўзини чалғитадими, бошқа иш қиласидими, барибир чидаса бўлар экан.



Отаси чидамлилиқ, қийинчиликларга бардош берса олиш одамнинг энг яхши фазилатларидан бири эканлигини тушунтируди.

Шукур Холмирзаев



2

Сўзлашайлик.

1. Отанинг болага берган насиҳатлари ҳақида сўзланг.
2. Сиз инсонга хос яна қандай фазилатларни биласиз?



3

Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

Сиз учун саёҳатга энг қулай транспорт воситаси нима?



булоқ  
улов  
ҳовурга

✓ Чидамлилик яхши фазилат эканлиги-  
ни;  
✓ расм асосида фикр билдиришни;  
✓ саёҳат учун энг қулай транспорт тур-  
лари ҳақида билиб олдик.





## Саёхатчи ёш үфлон

Қурама тоғ, ёлғиз оёқ  
Йўллар бўйлаб борар қувноқ.  
Табиатчи мард ўғлон  
Саёхатчи паҳлавон:  
Кифтида рюкзак қопи  
Ичидা йўл асбоби:  
Тиш чўтка, совун-повун...  
Писанд этмас йўл ғовин  
Табиат гўё унга  
Ўхшар кино-ўйинга,  
Назарида кўк осмон  
Уй-бино томисимон.  
Одамлар оиласи  
Дўсти ёр, ўртоқлари.  
Дарёлар-ариқлари,  
Тоғу тош нақ қўрғони,  
Булоқ кумуш қўрғони  
Қўлда ҳатто қурол йўқ  
Қўрқмас, ботир, кўнгли тўқ  
Қулоч ёзиб боради,  
Бағрин очиб боради.



*Қуддус Мухаммадий*





2

## Сўзлашайлик.

1. Шеър ким ҳақида?
2. Шоир саёҳатчи болани қандай таърифлади?
3. У ўзи билан бирга нималар олган?



3

## Ўйлайлик! Фикрлайлик!

Саёҳатчи бола саёҳатда нималарга дуч келиши, кимлар билан учрашиши мумкин?



4

## Мақолни ўқиб мазмунини тушунириинг.

Излаган олим бўлар,  
Ўйлаган фозил.



5

## Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

Дўстингиз билан бирга “Саёҳатчилар” сўзидан фойдаланиб, янги сўзлар тузинг.

қурама  
рюкзак  
ғовин  
қўргони  
қумғони

### Рефлексия: “Кун”



Дарс менга ёқди.  
Тушунарли бўлди

Дарс менга ёқмади.  
Тушунарсиз бўлди



## Ўқиймиз.

## Тұғри сүз

Дам олиш куни әди. Болалар чўмилгани боришимоқчи бўлишиди.

– Бахтиёржон, сен уйда ўтира тур, бизлар бир жойга бориб келамиз, – дейишди акалари.

– Қаерга? – хархаша қила бошлади Бахтиёржон.

– Ойимларга айтмасанг айтамиз, – дейишди акалари.

Бахтиёр ваъда берди.

– Чўмилгани борамиз. Дарров келамиз. Қайтишда сенга музқаймоқ олиб келамиз.

– Хўп.

Болалар кетишиди.

Сал ўтмай болаларнинг ойиси келди-ю, Бахтиёржондан сўради:

– Акаларинг қани?

– Дарс тайёрлашга кетишиди, – деди у кўзларини пирпиратиб.

– Ростингми? – деди ойиси жиддий туриб. Бахтиёр довдираб қолди. Кейин:

– Ҳеч кимга айтмасангиз айтаман, – деди.

– Айтмайман, – деди ойиси.

– Чўмилгани кетишиди. Ҳеч кимга айтмайсиз-а, ойи, шундайми? – деди Бахтиёржон ялиниб.

Гапинг тўғри – ҳеч кимга айтмайман, – деди ойиси.



Кечқурун рухсатсиз чўмилишга кетганликлари учун акалари роса гап эшитиши.

– Айтиб қўйибсан-ку! – дейиши акалари Бахтиёржонга.

– Ҳеч кимга айтмайсиз, деб ваъда олиб айтганман, – деди бола рост гапириб.

*Шукур Саъдулла*



2

### Ёйлайлик ва сұхбатлашайлик.

1. Нима учун ҳикоя “Тўғри сўз” деб номланган?
2. Акалари нима учун онасидан гап эшитиши?
3. Сиз ҳам чўмилишга борганмисиз?
4. Чўмилиш қоидаларини биласизми?
5. Ҳикояни ролларга бўлиб ўқинг.



3

### Мақолни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Ўзи тўғрининг – сўзи тўғри.

хархаша  
пирпиратиб  
довдираб

- ✓ ўқиган матн мазмунига оид саволларга жавоб бериши;
- ✓ ҳикояни ролларга бўлиб ўқиши;
- ✓ сув ҳавзаларидаги эҳтиёт чорала-рига амал қилишни ўргандик.



1

Ифодали ўқиймиз.

### Мен ва Али

Мен ва Али  
Дам олгали  
Күшни боққа –  
Чиқдик ҳали  
Боғ ичида:  
Олма, жийда,  
Нашватилар  
Пишган жуда.  
Ариқда сув –  
Худди кўзгу

Анҳоргача  
Тушар шов-шув.  
Митти булбул.  
Сайрар нуқул.  
Истаганча  
Ўйна ва кул.  
Ўлкамиз соз,  
Тўкиндинир ёз  
Уни қанча  
Севсак ҳам оз!

*Құдрат Ҳикмат*





2

## Сұхбатлашайлык.

1. Шоир шеърда қандай мевалар ҳақида айтган?
2. “Үлкамиз соз,  
Түкиндириң ёз” мисраларининг маъносини  
қандай тушунасиз?



3

## Топишмоқларни ўқиб, жавобини топинг.

Маржон-маржон юмалоқ,  
Япроқлари шапалоқ.  
Қора, қизил, сариқ, оқ,  
Еб кўрмасдан ўйлаб бок.



Дарахтда тўқ қизил  
Бир олма пишди.  
Иккига ажратсам,  
Мунчоқлар тушди.



4

## Тез айтишни ёдлаб олинг.

Жўра Жавлонга жўр бўлди  
Жавлон Жўрага жўр бўлди.

**нашватилар**  
кўзгу  
шапалоқ  
мунчоқ

**Рефлексия: “Светофор”**  
Тушунарли    Саволим бор    Тушунарсиз





1

Үқиимиз.

## Ёз қүшиғи

Үлкәмизга ёз келиб,  
Хушнуд этар бизларни.  
Халқимга тұхфа қилиб  
Тотли ноз-неъматларни.  
Күркам, сўлим боғларда  
Сайр этажакмиз роса.  
Дам оламиз тоғларда,  
Эх, қандайин бу маза.

Анхорларда зилол сув  
Түлиб тошиб оқади.  
Танга роҳат беріб у  
Барчага хуш ёқади.  
Яйраб-яшнаб ўйнаймиз,  
Олам шодликка түлар.  
Ёзни қўмсаб куйлаймиз,  
Дўстлар бизга жўр бўлар.

*Дилфузা Каримова*



2

Фикрлашайлик.

1. Шеър қайси фасл ҳақида?
2. Ёзда пишадиган меваларни айтинг.
3. Сиз ёзги таътил давомида нима қиласиз?






3

### Ўйланамиз, изланамиз ва ёзамиз.

Болаларнинг манзилга етиб олишига ёрдам беринг. Мева номларини катакчаларга туширинг ва керакли манзилни билиб олинг.



4

### Мақолни ўқинг ва фикрларингизни айтинг.

Ёз меваси – қиши хазинаси.

хушнуд  
тұхфа  
тотли  
хуш ёқади  
құмсаң

**Рефлексия: «Саволнома» усули**

**1. Дарсда мен:**

- билдім \_\_\_\_\_
- тушундым \_\_\_\_\_
- ўргандым \_\_\_\_\_



## ИЗОҲЛИ ЛУФАТ

<b>Ажиб</b>	Ҳайрон қоларли, қизиқиши уйғотадиган, ажойиб, қизиқ воқеа-ҳодиса ёки нарса-предмет.
<b>Альпинизм</b>	Тоғ чўққиларига, тик қояларига, муз қояларига чиқиши билан боғлик бўлган спорт тури.
<b>Альпинист</b>	Тоғ чўққиларига, тик қояларига, муз қояларига чиқиши билан билан шуғулланувчи одам.
<b>Армон</b>	Кучли истак, орзу. Инсоннинг юзага чиқмаган, амалга ошмаган орзу-ниятлари.
<b>Базм</b>	Дабдабали зиёфат. Мусиқа ва ўйинлар билан ўтказиладиган зиёфат, тўй, ўтириш.
<b>Бардам</b>	Соғлом, куч-қувватга эга, тетик.
<b>Барра</b>	Энди вужудга келган, янги униб чиққан, ёш, майин маъносини англатади. Масалан: «Барра ўт», «барра пиёз», янги туғилган «қўзичоқ», «улоқча», «бузоқча» маъноларини англатади.
<b>Бахмал</b>	Духоба, бархит мато тури. Кўчма маънода: бахмал тоғлар. Бахмал далалар.
<b>Бахил</b>	Хасис, зиқна, қизқанчик. Ўзганинг ютугини кўра олмайдиган, хурсандчилигига шерик бўла олмайдиган инсонга хос хислат.
<b>Баҳс</b>	Бирор ҳолат ёки масалани ёқлаш мақсадида ўтадиган мунозара, тортишув.



<b>Бесабр</b>	Сабри, тоқати йўқ, чидамсиз.
<b>Бетоқат</b>	Сабр тоқат қилиб, бардош бериб тура олмайдиган, чидамсиз.
<b>Беҳуда</b>	Фойдаси йўқ, бефойда, бекорга.
<b>Бўйра</b>	Тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама.
<b>Файриоддий</b>	Оддий бўлмаган, унга қарши, бошқа.
<b>Фамгин</b>	Фамли, қайғули, хафа, маъюс. Инсоннинг хафа бўлган ҳолати.
<b>Фам емоқ</b>	Қайғу, ҳасрат, ташвишда бўлмоқ.
<b>Фов</b>	Тўсиқ, қаршилик.
<b>Дил</b>	Қалб, кўнгил. Кишининг ички руҳий дунёси.
<b>Дил оғритмоқ</b>	Хафа қилмоқ, ранжитмоқ.
<b>Дилрабо</b>	Кишини ўзига тортадиган, ёқимли.
<b>Довдираш</b>	Бирор нарса таъсирида тўғри ҳаракат қила олмаслик, шошиб қолмоқ, қўрқиб қолиш.
<b>Ёқут</b>	Турли рангли қимматбаҳо тош.
<b>Ёғингарчилик</b>	Ёғин кўп бўладиган пайт.
<b>Жамалак</b>	Қиз болаларнинг ҳали унча ўсмаган, ёйилиб кетмаслиги учун, пахта, пилик қўшиб ўрилган соchlари.
<b>Жаҳон</b>	Дунё, олам. Ер юзи ва ундаги бутун борлиқ: дунё, олам.
<b>Жисм</b>	Тана, организм, модда.
<b>Жўр бўлмоқ</b>	Бир-бирига мос овоз билан ҳамоҳанг куйламоқ.
<b>Жўровоз</b>	Бир-бирига ҳамоҳанг, оҳангдош, овози мос тушган.

<b>Замин</b>	Ер, тупроқ, мамлакат, юрт.
<b>Замона</b>	Вақт, давр.
<b>Зийрак</b>	Эпчил, доно, чаққон. Тез фаҳмлайдиган, сезгир.
<b>Зовур</b>	Захоб ерларни қуритиш, захни қочириш учун қазилган чуқур ариқ.
<b>Зувала</b>	Хамирдан қилинган соққа. Битта нон ясаш учун юмалоқланган хамир.
<b>Зулмат</b>	Зим-зиё, қоронғилик.
<b>Зурриёд</b>	Бир аждоддан тарқалған авлод, насл-насаб, зот.
<b>Кимхоб</b>	Майин ипакдан түқилған мато.
<b>Кабутар</b>	Қаптар, құш тури.
<b>Киприк қоқмай</b>	Киприкларини юмиб-очмаслиқ, күз очик ҳолда киприкларини қимирлатмаслиқ.
<b>Күзгу</b>	Бирор нарсани акс эттирувчи, ифодаловчи нарса, ойна.
<b>Мангу</b>	Абадий, умрбод.
<b>Манманлик</b>	Үзини катта тутишлик. Манман одамларга хос ҳусусият, хатти-харакат.
<b>Мафтун</b>	Бирорга ёки бирор нарсага ишқ, ҳавас билан берилиш, ўзига жалб қилмоқ.
<b>Мовий</b>	Тиниқ күк, ҳаворанг.
<b>Момиқ</b>	Майин, очилған пахта.
<b>Мўралаш</b>	Тўсиқ, тирқиши, тешик орқали қарамоқ.
<b>Мўри</b>	Уй, ошхона, ўчоқнинг тутун чиқиб кетадиган йўли.



<b>Мусафро</b>	Тоза, пок, соф, беғубор.
<b>Мучал</b>	12 йилни қамраб олувчи, ҳар йили бир ҳайвоннинг номи билан аталадиган йил ҳисоби. Кишиниг шу ҳисобдаги туғилган йили.
<b>Нашвати</b>	Нокнинг сувли, сариқ ёки сарғиши кўк йирик нави.
<b>Ниҳол</b>	Янги ўтқазилган, ўстирилган дараҳт.
<b>Нишона</b>	Белги, из; кўрсаткич. Мевали дараҳтнинг биринчи марта қилган меваси.
<b>Нола</b>	Ёлвориш, илтижо ифодаловчи овоз.
<b>Ойдин</b>	Ой чиқиб, ҳамма ёқ ой нури билан ёриган, ёруғ.
<b>Ожиз</b>	Нимжон, бўшашган, жисмоний жиҳатдан кучсиз.
<b>Она замин</b>	Туғилиб яшаб турган жой, ер; жонажон юрт.
<b>Сахий</b>	Қўли очиқ, саҳоватли. Кишилардан ўз ёрдамини аямайдиган.
<b>Сел</b>	Шиддатли, кучли ёғин.
<b>Серҳикмат</b>	Ҳикматга бой.
<b>Серҳосил</b>	Ҳосилдор, унумдор, кўп ҳосил берадиган.
<b>Тасалли</b>	Тинчлантириш, юпатиш.
<b>Тотли</b>	Таъми, мазаси яхши, мазали.
<b>Турфа</b>	Ажиблиги билан кишини ҳайратга соладиган ажойиб.
<b>Тухфа</b>	Совға, тортиқ.
<b>Үдум</b>	Умум томонидан қабул қилинган ва амал қилинадиган тартиб, одат.

<b>Улов</b>	Миниб юриладиган ҳайвон; ишчи ҳайвон.
<b>Фириб</b>	Алдамчилик, ҳийла, макр.
<b>Хароба</b>	Қаровсиз қолган жой, вайрона.
<b>Хархаша</b>	Уриш, жанжал. Арзимайдиган нарса учун қилинадиган жанжал.
<b>Хаста</b>	Чарчаган, толиққан, қийналган.
<b>Ҳалим</b>	Сувга буғдой ёрмаси ва гүшт солиниб, узоқ қайнатиб пишириладиган қуюқ овқат.
<b>Ҳалол</b>	Кишининг ўз меҳнати, пешона тери тўкилиб топилган, ғирромликдан ҳоли.
<b>Ҳилол</b>	Янги чиққан ой.
<b>Ҳиммат</b>	Одамгарчилик юзасидан қилинадиган яхшилик, ёрдам, яхши иш.
<b>Ҳовур</b>	Иссикликдан кўтарилганкучсиз, енгил буғ.
<b>Чароғон</b>	Жуда ёруғ, равшан; чироқлар.
<b>Чечан</b>	Чаққон, уддабурон, уста, моҳир.
<b>Чимирмоқ</b>	Қош қовоқни йиғмоқ, буриштирмоқ, аччиқланиш, норозилик.
<b>Шабада</b>	Енгил, майин шамол.
<b>Шарқ</b>	Дунёning тўрт томонидан бири, қуёш чиқадиган томон.
<b>Шукrona</b>	Миннатдорлик, раҳмат айтиш.



## МУНДАРИЖА

### Ўзим ҳақида

1. Ёз-ўтди соз ..... 4
2. Одоб билан ўртоқман ..... 6
3. Одобим – зийнатим ..... 8
4. Оталар сўзи – ақлнинг кўзи ..... 10
5. Фамхўрлик қилишни биламан ..... 12
6. Мен ялқов бола эмасман ..... 14
7. Меҳнат баҳт келтиради ..... 16
8. Вақтдан тўғри фойдаланаман ..... 18
9. Мен катталарга ёрдамчи ..... 20

### Менинг оилам ва дўстларим

10. Менинг оилам ва дўстларим ..... 24
11. Бизнинг иноқ оила ..... 26
12. Меҳнат билан эл кўкарар ..... 28
13. Яхшилик нур келтирас ..... 30
14. Ота – оиласиз устуни ..... 32
15. Онажоним – меҳрибоним ..... 34
16. Дўстлик – катта куч ..... 36
17. Ҳақиқий дўст ..... 38
18. Буюк боболар насиҳати ..... 40



## Менинг мактабим

19. Мактабим – қуттуғ маконим .....	44
20. Китоб – хазина, Билим – бойлик .....	46
21. Муаллим .....	48
22. Майиб китоб .....	50
23. Сеҳрли қалам.....	52
24. Мактабга йўл .....	55
25. Ажойиб кашфиёт .....	57
26. Жонажон мактабим .....	59

## Менинг қадрдан ўлкам

27. Она Ватаним .....	62
28. Ватанни севмоқ – муқаддас бурч .....	64
29. Биз – Ватанинг эртаси .....	66
30. Озод ва обод Ватаним.....	68
31. Нур-Султон – Ватанимиз юраги .....	70
32. Менинг бепоён ўлкам.....	72
33. Буюклар – бизнинг фахримиз....	74
34. Ватанимни куйлайман .....	76



## **Соғ танда – соғлом ақл**

- 35. Соғ танда – соғлом ақл ..... 79
- 36. Тозалик ва орасталик..... 81
- 37. Тозалик – соғликнинг гарови ..... 84
- 38. Овқатланиш гигиенаси..... 86
- 39. Ҳаммадан кучли ..... 88
- 40. Тишларни парваришилаш ..... 90
- 41. Чиниқамиз, тобланамиз ..... 92
- 42. Тансиҳатлик – туман бойлик..... 94
- 43. Спорт – бизнинг дўстимиз ..... 96

## **Урф-одатлар ва халқ оғзаки ижодиғ**

- 44. Ассалому алайкум ..... 99
- 45. Нонга ҳурмат ..... 101
- 46. Нон азиз..... 103
- 47. Ҳалоллик ..... 105
- 48. Хазиналар дурдонасидан ..... 107
- 49. Донолар бисотидан ..... 109
- 50. Эртаклар – яхшиликка  
етаклар..... 111
- 51. Она алласи ..... 113
- 52. Биз севган ўйинлар. ..... 115



## **Атрофимиздаги олам**

53. Салом сенга, гулбаҳор ..... 118
54. Табиатнинг неъмати кўп ..... 120
55. Об-ҳаво даракчилари ..... 122
56. Бирни кессанг, ўнни эк! ..... 124
57. Сахий қуёш ..... 126
58. Қушлар – бизнинг дўстимиз ..... 128
59. Наврўз – табиат тантанаси ..... 130
60. Табиатни севинг, болалар! ..... 132

## **Саёҳат**

61. Саёҳат – танга роҳат ..... 135
62. Жониворлар оламида ..... 137
63. Чаққон ва довюраклар ..... 139
64. Чидамлилик яхши фазилат ..... 141
65. Саёҳатчи ёш ўғлон ..... 143
66. Саёҳатдаги саргузаштлар ..... 145
67. Боққа саёҳат ..... 147
68. Дўстлар, кетдик таътилга! ..... 149

- Изоҳли луғат ..... 151

*Учебное издание*

**Махбуза Октамовна Мусаева  
Зарифа Исламшиковна Аташикова  
Нигара Октамбаевна Шамадиева**

## **Адабий ўқиши**

**Умумтаълим мактабларининг  
2-синфи учун дарслик**

*(на узбекском языке)*

Редактор *Ф.Б. Розметова*  
Художественный редактор *С.М. Сурайманов*  
Дизайн обложки *Е.К. Мейрбеков*  
Дизайн и компьютерная верстка *Г.А. Утенова*

ИБ №4526

Подписано к печати 22.06.2022 г. Формат 70×100<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.  
Физ. печ.л. 10,0. Усл. печ.л. 13,0. Усл. кр. от. 52,0.  
Тираж 9000 экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы, «Жазушы» баспасы, 050009.  
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.  
E-mail: zhazushi@mail.ru



9 786012 007886